Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 4 ноябрь ● сешанба ● № 48-49 (608) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

Бола ҳуқуқлари

саводхонлик ойлиги давом этмоқда

Айни кунларда Адлия вазирлигининг 2008 йил иккинчи ярим йиллик иш режаси ижросини таъминлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, коллежлар ҳамда маҳаллаларда "Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиздир" шиори остида 25 октябрдан 25 ноябрга қадар ҳуқуқий саводхонлик ойлиги ўтказилмоқда.

Мазкур ҳуқуқий саводхонлик ойлиги ўтказилишидан асосий мақсад — "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун моҳияти, унинг аҳамияти ҳақида мамлакатимизнинг барча ўқув муассасаларида кенг ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришдан иборатдир.

Ҳозирда ҳуқуқий саводхонлик ойлиги республикамизнинг барча вилоятларида давом этмоқда. Бу йўналишдаги тадбирлар билан газетамизнинг кейинги сонларида таништириб борамиз.

● *Минбар*

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ демакдир.
Ҳуқуқ — бу мустақиллик.
Ҳуқуқ — бу инсон эрки демак.
Ҳуқуқ — бу инсоннинг инсондай яшаши кафолати.
Ҳуқуқ — бу инсоннинг тўғри йўлдан юриши кафиллиги.
Ҳуқуқ — бу инсон қадри-қиммати, унинг шахси дахлсизлиги ҳимояси.
Ҳуқуқ — бу чегара эмас, аксинча қонун доирасидаги чексиз имконият.
Ҳуқуқ — бу инсон фаолиятининг турли хил тўсиқ ва ғовлар, таъқиб ва таъсирлардан асрагувчи, ҳимояловчи куч.
Ҳуқуқ — бу адолат мезони, адллик тарозиси.
"Инсон ва қонун" эса ана шу ҳуқуқ, ҳуқуқий тарғибот минбаридир.

"ИНСОН ВА ҚОНУН"

нимани тарғиб қилади?

Муҳтарам Президентимиз кўрсатмалари асосида **Адлия вазирлиги** раҳбарияти ҳамда вазирлик нашри — **"Инсон ва қонун"** ўз олдига халқимиз орасида кенг қамровда ҳуқуқий тарғибот олиб боришни ҳам асосий мақсад қилиб қўйган.

Вазирлик раҳбариятининг бевосита кўмагида газетамиз имкониятлари тобора кенгаймоқда, энг муҳими, кишилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида таъсирчан йўлни танлай билдик — кузатиб, ўқиб бораётган бўлсангиз, одамларга яқин, равон, содда услубда, халқнинг юрагига, кўнглига етиб борадиган, барчага бирдай тушунарли тилда ёзилган мақолаларга кенг ўрин берилмоқда.

"Инсон ва қонун" даладаги деҳқон, яйловдаги чўпон, дастгоҳ ёнидаги ишчи, қурувчи, мактаб партасидаги ўғил-қизимиз, шифокор, мураббий, барча-барча касб эгалари ўз саволига жавоб топадиган, бемалол халқона тилда мулоқотга киришадиган нашрга айланиши учун ҳаракат қилаяпмиз. Мақтанишга йўйманг, бу мақсадимизга маълум маънода эришаяпмиз ҳам. Таҳририятга оддий инсонлардан ҳар куни кўплаб мактублар келаяпти, ҳеч бир хат тақдирига бефарқ эмасмиз. Бу хат ва аризаларнинг айримларини тегишлилигига кўра, қонун доирасида ваколатли идораларга жўнатаяпмиз, улардан жавоблар олаяпмиз, хат муаллифларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилмоқда, баъзи мактублар асосида журналист суриштируви ўтказилмоқда, мақолалар эълон қилаяпмиз, савол шаклидаги хатларга газетадан жой ажратиб мутахассислар жавобларини ҳам эълон қилаяпмиз. Газетамизнинг биринчи саҳифасида ҳар бир сонда муштарийлар хатлари бўйича тегишли идоралар раҳбарлари ва мутасаддилар имзоси билан олинган жавобларни бериб бораяпмиз. Худо хоҳласа, бундай мулоқотлар келгуси йилда ҳам давом этади. **"Инсон ва қонун"** келгуси йил ҳам Сизнинг хонадонингизга кириб бораверади. Бунинг учун ҳозирги обуна мавсумида яқин ҳамсуҳбатингиз, **"Инсон ва қонун"**-га йиллик обуна бўлсангиз кифоя.

Айни пайтда барча вилоятларда газетамиз обунаси жадал суратда давом этаётганидан миннатдормиз. Адлия вазирлиги раҳбариятининг кўмаги, вилоятлар ҳудудий адлия бошқармалари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг қўллаб-қувватлаши, кўп минг сонли ўқувчиларимиз хоҳиш-истаги билан 2009 йилда ҳам газетамиз нусхаси юксак даражада бўлишига ишонамиз. Ҳозиргача обуна **Бухоро вилояти, Тошкент шаҳри** бўйича юқори кўрсатгичда турганлигини алоҳида миннатдорчилик билан таъкидламоқчимиз. Келгуси йилда ҳам газетамиз Сизнинг ишончли ҳамроҳингиз бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

Тергов олиб борилмоқда

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси прокуратураси томонидан Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Имом ат-Термизий кўчаси, 51-уй, 126-хонадонда яшовчи фуқаро М.Темирбаеванинг 2007 йил 31 июль куни Тошкент шаҳридан Нукус шаҳрига 23 I 55 44 давлат рақамли автобусда келиб, автобуснинг юкхонасидан 1 миллион сўмга яқин буюмлари солинган сумкаси ўғирланганлиги ҳолати бўйича жиноятни фош этиш чоралари кўрилмаётганлиги ҳақидаги аризаси назоратга олиниб, юқоридаги ҳолат бўйича ЖКнинг 169-моддаси, 2-қисми, "б" банди билан қўзғатилган жиноят иши ўрганиб чиқилди ва 2008 йил 15 сентябрь куни жиноят ишининг терговини ЖПКнинг 364-моддаси, 1-қисми, 1-бандига асосан вақтинча ҳаракатдан тўхтатиш ҳақидаги терговчининг қарори бекор қилиниб, қўшимча терговга юборилди.

Жиноят ишининг тергов ҳаракатлари Нукус шаҳар ИИБ Тергов бўлими томонидан олиб борилмоқда.

Жиноят ишининг тергов натижалари ҳақида қўшимча равишда ахборот тақдим қилинади.

М.ҚУРБАНБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори вазифасини бажарувчи

Тўлов амалга оширилди

ВОБКЕНТ ТУМАНИ "Чорбоғкент" қишлоғида яшовчи фуқаро Д.Қурбонованинг суюнчи пули ва бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа пуллари тегишли органлар томонидан бир неча ойлан буён берилмаётганлиги ҳақида газетага ёзган аризаси ўрганиш учун Вобкент тумани прокуратурасига жўнатилган эди. Прокуратурадан келган жавоб хатида қуйидагилар баён қилинган:

Аниқланишича, Д.Қурбонова суюнчи пули тўлаш учун туман халқ таълими бўлимига тегишли ҳужжатларни тақдим қилмаганлиги туфайли унга суюнчи пуллари ҳисобланмаган.

Д.Қурбонова бола икки ёшга тўлгунига қадар парвариш қилиш бўйича нафақа тўлашни сўраб, "Чорбоғкент" маҳалла фуқаролар йиғинига 2008 йил май ойида ариза билан мурожаат қилган бўлса-да, "Чорбоғкент" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан унга 2008 йилнинг июнь ойидан бошлаб нафақа тайинланганги аниқланди.

Ушбу ҳолатда Вобкент тумани "Чорбоғкент" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳбуба Бўроновага нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Ўз вақтида тўланмаган 41730 сўм нафақа тўлови 2008 йилнинг сентябрь ойи нафақа тўлови билан бирга қўшиб амалга оширилди.

А.АҲМЕДОВ,
Вобкент тумани прокурори

"Ишонч телефони"

Ҳурматли тадбиркорлар!

Қонуний ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда ҳеч иккиланмай, Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги **"Ишонч телефон"**ига қўнғироқ қилинг. Адлия идораларининг тажрибали мутахассислари сизнинг қонуний манфаатингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
(371) 008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги
(361) 008, 223-34-00
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси
(371) 008, 262-92-42, 269-14-45
Андижон вилояти адлия бошқармаси
(374) 008, 224-42-31, 222-30-89, 224-45-94
Бухоро вилояти адлия бошқармаси
(365) 008, 223-74-16, 223-21-20
Жиззах вилояти адлия бошқармаси
(372) 008, 226-35-81,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси
(375) 008, 223-01-64, 223-01-73
Навоий вилояти адлия бошқармаси
(436) 008, 223-80-47, 223-01-38
Наманган вилояти адлия бошқармаси
(369) 008, 226-51-93, 226-36-62, 226-70-33
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси
(366) 008, 233-04-62
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси
(376) 008, 223-26-84
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси
(367) 008, 225-09-69, 225-41-19
Тошкент вилояти адлия бошқармаси
(371) 008, 280-50-98, 280-51-06, 253-30-02
Фарғона вилояти адлия бошқармаси
(373) 008, 224-15-49
Хоразм вилояти адлия бошқармаси
(362) 008, 226-86-47, 226-65-50

E-mail: info@minjust.gov.uz

Конституция — менинг ҳаётимда

15-модда. ***Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.***

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.



40-модда. ***Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.***

41-модда. ***Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.***

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

63-модда. ***Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.***

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

125-модда. ***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.***

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

Ислом КАРИМОВ:

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Адлия вазирлиги ҳудудий бошқармаларида:

Тарғибот, ташвиқот, таҳлил

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан Адлия вазирлиги томонидан жойларда кенг миқёсда турли анжуманлар ўтказилмоқда. Қуйида мухбирларимиз Тошкент шаҳри, Тошкент, Бухоро ва Навоий вилоятларида бўлиб ўтган тадбирлар ҳақида хабар берадилар.

60 ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Тошкент шаҳри

Олий қадрият

ТОШКЕНТ ШАҲАР адлия бошқармаси ташкилотчилигида Тошкент тиббиёт педиатрия институти қошидаги Юнусобод академик лицейида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

УНДА Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги масъуллари, шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари, Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент шаҳар бўлими, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича (Омбудсман) Тошкент шаҳридаги вакили, Тошкент шаҳар "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар ва туман бўлими, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси масъуллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этишди.

Қизғин баҳс-мушоҳадалар билан ўтган тадбирда мазкур декларациянинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги аҳамияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилигимизга татбиқ қилинаётганлиги, шунингдек, Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларимизни ҳимоя қилишда Умумжаҳон декларациясининг нақадар аҳамиятли эканлиги ҳақида батафсил сўз юритилди.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати И.Саифназаров Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги асосий қоида ва тамойиллар, яъни инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳақ-ҳуқуқлари мамлакатимиз Конституциясида ва барча қонунларда ўз аксини топганлиги ҳақида сўз юритди. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонунлар билан ҳимояланганлиги, улар учун шарт-шароит яратиш, имтиёзлардан фойдаланишига кўмаклашиш йўлида олиб борилаётган аҳамиятга молик масалалар ҳақида ҳам фикр билдирди.

Дарҳақиқат, ҳар бир фуқаронинг ҳаётда ва жамиятда қонуний ҳуқуқ ва эркинликларидан баҳраманд бўлиши, авваламбор уларнинг қай даражада ҳуқуқий билимга эга эканлигига боғлиқ бўлади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб олган инсон эса қонунларни ҳурмат қилади, кези келганда амалиётда қўллай олади.

Мазкур тадбирда миллий қонунчилигимиз ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмунмоҳиятини янада содда ва кенг тушунтириб бериш мақсадида кўргазмали воситалар, ўқув қўлланмалари, рисолалардан фойдаланиб, йиғилганларга мазмунли маърузалар ўқилди.

Мактаблар, коллеж ва лицей ўқувчилари иштирокида "**Энг яхши ҳуқуқ билимдони**" номинацияси бўйича ўтказилган танловда ғолиблар аниқланди. Уларга Адлия вазирлиги ва адлия бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Гулсумхон ШОДИЕВА,
"Инсон ва қонун"
мухбири



Тошкент вилояти

Эзгулик асоси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан Тошкент банк коллежида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзуида семинар ўтказилди.

СЕМИНАРДА Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати раҳбари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент вилояти бўйича минтақавий вакили, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари, Адвокатлар палатасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ходимлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, ўқитувчи ва талаба ёшлар иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққанлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида талабаларга кенг маълумот бердилар. Шунингдек, республикамиз Президенти томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида демократик, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилганлиги таъкидланди.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси юзасидан талабалар ўртасида кўрик-танлов ўтказилиб, ғолиблар Тошкент вилояти адлия бошқармасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида вилоят адлия бошқармаси Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда "Конституция — буюк келажагимизнинг кафолати" мавзуида семинар-тренинг ўтказди.

Унда Республика юристлар малакасини ошириш марказининг профессор-ўқитувчилари, вилоят адлия бошқармаси ходимлари, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги суд ижро департаменти ижрочилари иштирок этдилар. Йиғилишда Конституциямизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг акс эттирилиши, унда шахс манфаатининг устунлиги ва хорижий давлат конституцияларидан фарқли жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир якунида Конституциямиз ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун ҳам ҳаётий дастуриламал, ҳам ифтихор манбаи, ҳам ҳуқуқий қурол, ҳам ишончли қалқон вазифасини ўтаётгани таъкидланди. Бунда энг аввало ҳуқуқшунос мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкам шакллантириш зарурлиги билдирилди.

Зоиржон ЭРГАШЕВ,
Тошкент вилояти
адлия бошқармаси
ходими

Бухоро вилояти

Кўргазмали воситалар

тадбир иштирокчиларини бефарқ қолдирмади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган тадбирлар дастурида адлия идоралари олдига қатор муҳим вазифалар қўйилган. Хусусан, кенг халқ оммасига Фармон аҳамиятини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмунмоҳиятини тарғибот-ташвиқот қилиш юклатилган.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари бўйича Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идоралар билан ҳамкорликни янада кучайтириш ва жойларда тарғибот ишларини жонлантириш кўзда тутилган.

Шуларни эътиборга олиб, Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати ва Бухоро вилояти адлия бошқармаси ҳамкорлигида Бухоро шаҳар ҳокимлигида Олий Мажлис Сенати аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг масъул ходимлари, Омбудсманнинг Бухоро вилояти вакили вазифасини бажарувчиси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг, "Маҳалла" жамғармасининг ва "Камолот" ЁИҲнинг вилоятдаги бўлимлари, Халқ таълими, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, шунингдек, марказий ва вилоятдаги барча ОАВ иштирокида **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти"** мавзуида учрашув ўтказилди.

Тадбирда Сенат аъзолари, жиноят ишлари бўйича Бухоро тумани суди раиси, шу туман ҳуқуқий маслаҳатхона адвокати сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмунмоҳияти ва унинг аҳамияти иштирокчиларга кўргазмали воситалар асосида тушунтирилди ва қатнашчиларнинг ўзлари ҳам бевосита бу борадаги билимларини намойиш этишди.

Учрашув қизғин баҳс-мунозара шаклида ўтиб, тадбир давомида "**Энг яхши ҳуқуқ билимдони**", "**Энг яхши иншо**", "**Энг намунали расм**" номинацияларида ғолиблар аниқланди. Уларга Адлия вазирлиги ва вилоят адлия бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Қодир ЮЛЛИЕВ,
Бухоро вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими



Навоий вилояти

Декларациянинг аҳамияти

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ташаббуси билан Навоий вилояти адлия бошқармаси ҳамда вилоят прокуратураси ҳамкорлигида Навоий педагогика коллежида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбир давомида мутахассислар томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг катта тарихий аҳамиятга молик ҳужжат эканлиги, унинг инсоният ҳаётидаги муҳим аҳамияти алоҳида таъкидланди.

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган барча ислоҳотлар моҳиятида ҳам ана шу халқаро ҳужжат тамойиллари акс этиб турибди, — дейди вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Жамшид Раҳмонов. — Буни мамлакатимизда истиқлол йилларида қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Халқимизда "Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар" деган ибратли мақол бор, — дейди ҳуқуқшунос Жамшид Тилавов, — Ҳуқуқини билмаган одам нафақат ҳамёнини, балки кўп имконларини бой бериб қўйиши мумкин. Ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишида ҳар бир фуқаро энг аввало, Конституциямизни яхши англаб етиши ва унга амал қилиши шартлигини унутмаслиги жоиз.

— Ёшларимиз учун яратиб берилаётган чексиз имкониятлар, шарт-шароитлардан мамнунмиз, — дея ўз фикрини баён этади Навоий вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси масъул ходими Лола Неъматова. – Бугунги кунда ўқув даргоҳларида Конституциямизни ўрганиш фан сифатида киритилган бўлса, қўшимча равишда фаолият кўрсатаётган "**Ёш ҳуқуқшунос**", "**Ҳуқуқшунос**", "**Биз қонунларни ўрганамиз**" каби тўгараклар ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбир якунида ёшлар ўртасида ўтказилган "**Энг яхши ҳуқуқ билимдони**" кўрик-танлови ғолиблари аниқланди. Навоий шаҳридаги 11-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шоира Ҳамдамова ўқувчи ва талаба ёшлар орасида энг яхши ҳуқуқ билимдони деган номга сазовор бўлди ҳамда бош соврин — рангли телевизор билан мукофотланди. Шунингдек, бир гуруҳ ҳуқуқ билимдонларига Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармаси ва вилоят прокуратурасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Анжуманда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси мавзуида кўргазма ҳам ташкил этилди.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун"
мухбири

● *Сайлов ва сайловчи*

Демократиянинг ёрқин ифодаси

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови олдидан

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

— Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи қандай тартибда тузилади?

— Сайловни эркин, ошкора ва холисона ташкил этиш ҳамда ўтказиш мақсадида фуқаролар йиғини ёки унинг кенгаши қарори билан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тузилади.

Ишчи гуруҳи маълум бир сайлов даври учун фаолият кўрсатади.

— Ишчи гуруҳи таркибига кимлар киритилиши мумкин?

— Ишчи гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

Таъкидлаш жоизки, ишлаб турган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари ишчи гуруҳи таркибига киритилиши мумкин эмас.

— Ишчи гуруҳи таркибидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар кўрсатилиши мумкинми?

— Албатта кўрсатилиши мумкин. Аммо, бундай ҳолатда улар ишчи гуруҳи таркибидан чиқарилиши шарт.

— Ишчи гуруҳининг ваколатлари нималардан иборат?

— Ишчи гуруҳи:

фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ўтказиладиган кун, вақт ва жойни белгилайди ҳамда йиғин ўтказилишидан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади;

фуқаролар йиғини ёки вакиллар йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олади;

тегишли ҳудуд аҳолисининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди;

сайловни ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари такрорий сайловини ўтказиш ишларини ташкил этади;

фуқароларнинг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади.

Ишчи гуруҳи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

— Вакиллар йиғилиши деганда нима тушунилади ва уларнинг нормаси қандай тартибда белгиланади?

— Фуқаролар йиғини ўрнига вакиллар йиғилиши чақирилиши мумкин. Фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланган намояндалар юборилади.

Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди.

Вакиллар йиғилишида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш учун вакилларнинг камида учдан икки қисми қатнашиши шарт.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тартиби қандай?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар сайловдан камида ўн кун олдин туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига топширилади.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига тақдим этиладиган номзодларга қандай талаблар қўйилади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатиладиган номзодлар, қоида тариқасида олий маълумотли бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турганлиги, шунингдек, ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга эканлиги ҳам ҳисобга олинади.

— Қандай кишилар бу лавозимлар учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас?

— Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

(Давоми бор)

Саволларга Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи Абдукамол РАҲМОНОВ жавоб берди

“Конституция — менинг ҳаётимда” танловига!

Меҳнат муҳофазаси

КОНСТИТУЦИЯ – давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, умуминсоний қадриятлари, инсон ҳуқуқлари, демократия ҳамда ижтимоий адолат ғояларини акс эттирувчи ҳужжатдир.



Маҳмуд ТЎРАЕВ, ТДЮИ талабаси

БОШ ҚОМУСИМИЗ мустақил демократик давлатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларни қонунбузилиш ҳолатларидан асраб, тинч ва фаровон яшаши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Унинг 16-моддасида “**Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас**”, дейилган. Бу барча қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияга мос ҳолда қабул қилинишини англатади.

Конституциямиз давлат ва жамият ҳаётида барча муносабатларни тартибга солиб, нафақат бугун, балки келажакда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳам тартибга солувчи асосий ҳужжатдир. Шунингдек, бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришда ҳуқуқий таъсир кўрсатади. Мулкчиликнинг барча шаклларини муҳофаза қилиш билан бирга, меҳнат қилиш эркинлигини мустаҳкамлайди, мажбурий меҳнатни тақиқлайди.

37-моддасида “**Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир**”, дейилган.

Ушбу модда бизга катта ҳуқуқий имконият яратган. Ўзим хоҳлаган олийгоҳга ўқишга кирдим. Ўқиш билан бирга ишлаяпман. Ишимга яраша иш ҳақи оляпман. Бу менинг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишимга ёрдам беряпти. Шунингдек, мутахассислигим бўйича амалиёт ўтаяпман. Бу менинг касбий кўникмаларимни оширишга ёрдам бераяпти.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларини, демократия ва қонунийлик, халқаро ҳуқуқ қоидалари, ўзбек давлатчилигининг миллий қадриятларини асраш билан бир қаторда, фуқаролар тенглиги ҳамда миллий ҳамжиҳатликни кафолатлайди.

Ҳимоя калити

ЁШЛИК ЖУДА ГЎЗАЛ фасл. Бу даврда ҳамма ўзгача ўйлайди, фикрлайди. Яъни, барчамизда ёшликка хос бўлган фикр-мулоҳазалар бўлади.



Сардорбек ҲАМРОЕВ, Тошкент юридик коллежи талабаси

КОНСТИТУЦИЯДА барча фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимояланган.

Унда белгиланган имкониятларни қуруқ сўзлар билан эмас, балки бир нечта мисоллар билан ифодаласам. Дунёга келишим биланоқ Конституция билан юзлашдим. Яъни менга Конституциямизнинг 24-моддасида кўрсатилганидек, яшаш ҳуқуқи берилди.

Мактаб ёшига етишим билан Асосий қонунимизнинг 41-моддасида ифодаланганидек, билим олиш ҳуқуқига эга бўлдим. Шунингдек, ижодга қизиқаман. Қарангки, бунда ҳам қонуний кафолатга эга бўлдим. Эркин ижод қилишимга муҳит етарли, имкониятлар ҳам чексиз, қизиқишларимни қўллаб-қувватловчи ёшлар ташаббус марказлари фаолият кўрсатиб турибди.

Бу йил ёшлар учун қувонарли бўлди. 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши баробарида, имтиёзли гувоҳномага эга мактаб битирувчилари ўзимиз истаган йўналиш бўйича коллеж ва академик лицейларга имтиҳонсиз ўқишга қабул қилиндик. Бу ҳам иқтидоримиз ва ижодкорлигимизнинг, қолаверса, Конституция берган ҳуқуқий кафолатнинг яна бир мисолидир.

Болалигимдан ҳуқуқий соҳага қизиқаман. Бугунги фаолиятим ҳам Конституцияни ўрганишни, қонунлар билан ишлашни тақозо қилади. Уни ўрганиш жараёнида шундай хулосага келдим. Қонунларни билган ва унга амал қилган инсоннинг доимо юзи ёруғ бўлади. Қонунни яхши ўрганган фуқарони гўёки барча муаммоларнинг калити қўлида турган инсондек тасаввур қиламан. Чунки қонунлар муаммоларнинг ечимини топишда асосий воситадир.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишни истардим, Конституция бизнинг келажагимизни ҳимоя қилса, биз Она-Ватанимизнинг келажагини ҳимоя қилишимиз лозим.

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Конституциявий ҳуқуқи фанидан оралиқ назорат. Одатдагидан фарқли равишда ҳар бир талаба ўзига берилган мавзу юзасидан мустақил иш топшириши керак. Менга жамоат бирлашмалари фаолиятини ўрганиш вазифаси топширилган.

Жамоат бирлашмалари фаолияти ҳам белгилаб қўйилган

Бунёд ҚОДИРОВ, Тошкент юридик коллежи талабаси

ДАРСЛИКДАГИ МАЪЛУМОТ жуда аниқ, бироқ қисқа. Юқори балл олиш учун жамоат бирлашмалари тўғрисида батафсил маълумот тўпламасам бўлмайди. Нима қиларимни билмай, “**Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ**” номли китобни варақлай бошладим. Конституциямизнинг 56-моддасини ўқидиму беихтиёр қувониб кетдим. Мазкур моддада “**Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади**”, деб белгиланган. Бу норма инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий-норматив ҳужжатларга ҳам тўла мос келади. Бундан ташқари, жамоат бирлашмаларининг эркин фаолияти “**Жамоат бирлашмалари тўғрисида**”ги, “**Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида**”ги қонунлар асосида мустаҳкамлаб қўйилган. Шуни ҳам айтиш жоизки, мамлакатимизда жамоат бирлашмалари ўз аъзоларининг ихтиёрийлиги, тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик, ошкоралик тамойиллари асосида ташкил этилади ва фаолият кўрсатади. Аксарият ёшлар, жумладан, мен ҳам жамоат бирлашмаси — “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзосимиз. Албатта, “Камолот” ЁИҲда фаол иштирок этишнинг бир қанча афзал жиҳатлари мавжуд. Чунончи, аълога ўқийдиган талабаларга стипендиялар, ҳатто хорижда ўқиш учун йўлланмалар берилишини ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳукуматимиз томонидан ёшлар ва болалар ташкилотларига моддий ва маънавий кўмак берилаётгани, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилаётгани алоҳида таҳсинга сазовордир. Шунингдек, болалар ва ёшлар ташкилотларига мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларидан, спорт иншоотларидан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Мен “Камолот” ЁИҲнинг фаолияти тўғрисида батафсил тўхталдим. Устоз жамоат бирлашмалари фаолиятига ёркин мисол келтирганим туфайли аъло баҳо қўйди. Бундан жуда ғурурланиб кетдим. Асосий қонунимиз барча жабҳаларни қамраб олган, унда ҳар қандай соҳанинг ҳуқуқ ва эркинлиги ўзининг теран ифодасини топган.

Халқаро меъёрларга ҳамоҳанг

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги 2001 йил 4 январдаги Фармойиши талабларига мувофиқ адлия органлари ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича билимларини янада ошириш ҳамда Конституция қабул қилинганлигининг 16 йиллиги олдидан Наманган Давлат университетида “Конституция — буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати” мавзуида семинар ўтказилди.

Унда сўзга чиққан Республика юристлар малакасини ошириш маркази ўқитувчиси, профессор Х.Назаров Конституциянинг мазмун-моҳияти, халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳамоҳанглиги тўғрисида батафсил маълумот берди.

Доно РАҲИМБАЕВА, Наманган вилояти адлия бошқармаси ходими

Принципиал қоидалар мужассам

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ва Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси идоралари ходимлари иштирокида вилоят адлия бошқармасида “Конституция — буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати” мавзуида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Тошкент Давлат юридик институти доценти Садриддин Ҳидиров Конституциянинг мазмун-моҳияти ҳақида теран мушоҳада юритиб, иштирокчиларга кенг тушунчалар берди. Шунингдек, бошқа сўзга чиққанлар ҳам Конституция Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган инсон ҳаёти, шахси ва эркинликлари дахлсизлиги каби барча принципиал қоидаларни ўзида мужассамлаштирганлигини эътироф этдилар.

Қоржов ЧОРИЕВ, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ Оила маросимлари маркази қошида 1998 йили ташкил этилган “Оила — муқаддас Ватан” дорилфунунининг ўз тингловчилари бор. Уларга Адлия вазирлиги билан Республика “Оила” илмий-амалий маркази ҳамкорлигида тавсия этилган “Оила дорилфунуни” махсус ўқув-тарбиявий курс режаси асосида сабоқ берилади.

● *Тадбир*

Оила дорилфунуни

МАЗКУР ДОРИЛФУНУН Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, соҳага оид амалдаги бошқа қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг шу йўналишдаги буйруқ ва кўрсатмалари ижросини таъминлашга кўмаклашади.

Дорилфунун ўз фаолиятида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, “Оила” илмий-амалий маркази, “Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари, туман тиббий ҳудудий бирлашмаси, “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуаси, Тошкент шаҳар 1-Перинатал ва Диагностика марказлари, диний идора вакиллари ва бошқа ҳамкор ҳамда ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Бу маърифат даргоҳининг эзгу мақсади оила қурадиган ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий билимларини ошириш, ёшларда аждодларимиз меросига ҳурмат, ватанга садоқат, миллий ғурур туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни, оиланинг муқаддаслигини тушунтириш, маънавий-маърифий тарбиянинг янги йўлларини излаб топишга қаратилган.

Машғулотларда тингловчиларга никоҳдан олдин тиббий кўрикнинг моҳиятини тушунтириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилашга кўмаклашиш, ҳар томонлама етук ва баркамол фарзандлар тарбияси асослари билан таништириш мутахассисларнинг муҳим вазифаси сирасига киради.

Дорилфунун тингловчилари 2-Республика тиббиёт коллежи, Шайхонтоҳур тумани тиббиёт коллежи, Алоқа касб-ҳунар коллежи, республика Рассомлик коллежи, 2-Тошкент юридик коллежи, Иқтисодиёт коллежи талабалари ҳамда Оила маросимлари марказига ариза берган никоҳланувчи ёшлардан иборат.

Сентябрдан май ойигача ҳар ойда бир марта етук ҳуқуқшунослар, малакали тиббиёт ходимлари, руҳшунослар, диний идора вакиллари, Хотин-қизлар қўмиталарининг мутахассислари иштирокида тингловчиларга қизиқарли машғулотлар ўтказилмоқда.

Яқинда режага асосида навбатдаги машғулотда 300 нафарга яқин тингловчи қатнашди. Унда Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Тамара Тиллаева, Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова, пойтахтимиздаги 35-оилавий поликлиника шифокори Саноат Шукуровалар қонун ва маънавият, одам савдосига қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлар, оилада тиббий маданиятни ошириш мавзуларида сўз юритдилар.

Машғулот давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу машғулотларда тўлиқ ва фаол қатнашган тингловчиларга ўқув йили якунида махсус “Сертификат” топширилади ва улар Оила маросимлари марказининг валантёрлари, яъни тарғиботчилари деб ҳисобланадилар.

Лолахон КАРИМОВА, Адлия вазирлиги масъул ходими

Тизим тадбирлари

Муқаддас шаън

МИРОБОД тумани ФҲДЁ бўлими туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, туман адлия бўлими, Маънавият тарғибот маркази, Фофур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти билан ҳамкорликда “Оила шаъни – муқаддас!” мавзуида анжуман ўтказди.

Унда асосий эътибор оила қуриш бўсағасида турган ёшларнинг ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий ва тиббий саводхонлигини ошириш, оила қуришдаги муаммолар ечимини топишга кўмаклашиш, оилавий ажралишларнинг олдини олишга қаратилди.

Тадбирда Миробод тумани саноат коллежи талабалари ва туман ёшлари иштирок этишди.

Ёшлар оила қонунчилиги, тиббий кўрик, соғлом турмуш тарзининг моҳияти, одам савдоси ва унга қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқий саводхонлик ҳақидаги маърузаларни катта қизиқиш билан тинглашди. Тадбир сўнгида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Дилфуза ЭРГАШЕВА, “Инсон ва қонун” мухбири

Ахборотдан фойдаланиш

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИ излаш, топиш ва фойдаланиш ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг муҳим шарти, иш сифати ҳамда самарадорлигини ошириш гарови.

Адлия вазирлиги томонидан Хоразм вилоятида ўтказилган семинар-машғулоти ана шу ҳаётий муҳим масаланинг илмий ҳамда амалий ечимларига бағишланди.

Мунозара қатнашчилари фан-техника ва технология тараққиёти юқори босқичга кўтарилган ҳозирги паллада зарур ҳуқуқий ахборотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўл-йўриқларини атрофлича ўргандилар. Ҳозирги замон “LexUz” ахборот излаш тизимининг ўрни, роли, аҳамияти ва имкониятлари хусусида кўргазмали воситалар ёрдамида батафсил маълумот берилди.

Таъкидландики, амалдаги ҳуқуқий меъёрий, директив ва бошқа мазмундаги тааллуқли ҳужжатлар мазмунини англашнинг ўзи кифоя эмас. Унинг мазмун-моҳияти ҳақида узил-кесил маълумот берувчи шарҳлар, қоидалар, низом ва йўриқномалар ҳам пухта ўрганилмоғи даркор. Иш ва масалаларни қонунан ҳамда адолатли тарзда қараб чиқиш ва ҳал этишда бу сингари қўшимча ҳужжатларнинг аҳамияти беқиёс.

Абдулла СОБИРОВ, “Инсон ва қонун” мухбири

Маҳаллада давра суҳбати

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ Ҳ.Олимжон ва А.Навоий номидаги маҳаллаларда адлия, прокуратура, ички ишлар органлари билан ҳамкорликда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун тарғиботига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда одам савдосининг жабрланувчиси бўлиб қолишнинг олдини олиш, жабрланувчиларга қонун талабларидан келиб чиқиб ёрдам кўрсатишда шаҳардаги ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб қилиш ва улар билан ҳамкорликни кучайтириш борасида тўпланган тажриба ва муаммолар тўғрисида батафсил фикр-мулоҳазалар юритилди.

Тадбир қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан қониқарли жавоблар олдилар.

Равшан НАЗАРҚУЛОВ, Жиззах шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Гаровга қўйиш

МАЪЛУМКИ, кўчмас мулкни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома — ипотека тўғрисидаги шартнома суммасидан қатъи назар, ана шу мулк жойлашган ердаги нотариус томонидан тасдиқланиши лозим.

Бундай шартномани нотариал тасдиқлаш чоғида нотариус гаровга қўйилаётган мулкнинг гаровга қўювчига тегишли эканлиги ва уни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлигини, банд солинмаганлигини, бошқа гаровга қўйилган ёки қўйилмаганлигини, коммунал тўловлардан ҳамда бошқа қарзлари йўқлигини текширади. Шунингдек, гаровга олувчи ва гаровга қўювчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатларини, жисмоний шахсларнинг ваколатларини ҳам аниқлайди.

Ёзёвон туманидаги “Ҳамза” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган “**Кўчмас мулкларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш**” мавзуидаги давра суҳбатида ана шулар хусусида фикр юритилди.

Дилором ТУРҒУНОВА, Ёзёвон туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Сайёр кўргазма

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ҳамда вилоят Ахборот-кутубхона маркази ташаббуси билан Зарафшон шаҳри, Учқудуқ ва Томди туманлари ҳокимликлари ҳамкорлигида Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли Ахборот-ресурс марказида ўтказилган сайёр кўргазма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланди.

Унда ҳокимлик ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан бир қаторда маҳалла фаоллари, ёшлар ташкилоти вакиллари ҳамда педагоглар иштирок этди.

Тадбирда ташкил этилган кўргазма инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тегишли юридик адабиётлардан иборатлиги билан муҳим аҳамият касб этди.

Маруса ҲОСИЛОВА, “Инсон ва қонун” мухбири

● *Хорижий инвесторлар ва иқтисодиёт*

Қулай инвестиция муҳити

мамлакатга капитал кириб келишининг муҳим омили

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳити яратилган бўлиб, бу энг аввало, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик таъминланганлиги билан характерланади. Президентимиз таъбири билан айтганда, инвестициялар, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими — бу, чет эллик шерикларимиз республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги демократик ва бозор ислоҳотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлигини тан олгани, уларнинг биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигининг яна бир тасдиғидир.

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ муҳитининг яратилиши мамлакатда норматив-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳалар билан боғлиқ бўлиб, хорижий инвесторларни жалб этадиган энг асосий омиллардан бири амалдаги қонунчиликнинг барқарорлигидир. Ҳар бир инвестор ўз капиталини муайян мамлакатга олиб киришдан олдин, унинг қонун ҳужжатлари, энг асосийси, ўз манфаатига дахлдор қонунлар билан танишиб чиқади.

Республикамизда хорижий инвесторларни жалб этиш ва хорижий инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун етарлича қонунчилик базаси яратилган. Жумладан, **"Чет эл инвестициялари тўғрисида"**ги, **"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"**ги, **"Инвестиция фаолияти тўғрисида"**ги қонунлари ушбу соҳани тартибга соладиган кенг доирадаги меъёрий ҳужжатлар бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари амалга оширилишининг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаб беради ҳамда чет эл инвестиция фаолиятини амалга ошираётган хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини ва уларни ҳимоя қилиш чораларини белгилайди.

Республикада хорижий инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг жадал ривожланиши, эркин фаолият юритиши учун зарур кафолатлар, қулай ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида турли соҳаларда имтиёзлар ва преференциялар тегишли қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Хусусан, янги таҳрирда қабул қилинган **Солиқ кодекси**, **"Бож тарифи тўғрисида"**ги Қонун ва бошқа қонун ости ҳужжатларида инвесторлар учун бир қанча солиқ ва божхона имтиёзлари белгиланган. Чунончи, Солиқ кодексининг 208-моддасига асосан, инвестор ва давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида топширилаётган мол-мулк қўшилган қиймат солиғидан, 211-моддасига асосан эса, инвестор ва давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида мол-мулк импорти қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши назарда тутилган.

Шунингдек, республикага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини барпо этиш, шу асосда мамлакатдаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш, шунингдек, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар хорижий инвесторлар манфаатини ҳимоя қилишда қўлланилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз сиёсати республикага хорижий капитал кириб келишини рағбатлантиришга ва инвестиция лойиҳалари муваффақиятли кечишига йўналтирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмаклашади.

Дилмурод СОТВОЛДИЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

● **"ЁШЛАР ЙИЛИ"** *Давлат дастури амалда*

Келажак ворислари камолоти

тараққиёт пойдевори

ҲАР БИР МИЛЛАТ ўз келажагини ёшлар тимсолида кўради. Ўсиб келаётган авлод тарбияси маънан етук, баркамол бўлса ўша миллат келажаги порлоқ. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

МАМЛАКАТИМИЗДА истиқлолга эришилган илк йилларданоқ ёшлар масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, юртимизда илк ташкил этилган жамғармалардан бири "Соғлом авлод учун" деб аталиши ҳам ўша сиёсат инъикоси эди. Бундан ташқари, ёшлар масалаларига оид Президентимизнинг бир неча фармонлари, ҳукуматимизнинг қарорлари қабул қилиндики, пировардида ушбу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши ва махсус Давлат дастури қабул қилиниши ҳам ҳукуматимизнинг ёшларга бўлган ишонч ва эътибори нишонаси, десак янглишмаймиз.

Маълумки, мазкур дастур кенг қамровли бўлиб, ушбу дастур ижросини таъминлаш республика адлия идоралари зиммасига ҳам муҳим вазифаларни юклади.

Бизнинг бошқармамиз томонидан дастур ижроси юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқарма билан пудратчи ташкилот "Транстаъмирлаш" кўп тармоқли ишлаб чиқариш савдо корхонаси ўртасида 2008 йил 8 май куни Андижон шаҳар, Амир Темур кўчасидаги "Бахт уйи" қурилиши учун пудрат шартномаси имзоланган. Бугунги кунда мазкур қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.



Бундан ташқари, Давлат дастурининг 108-банди ижроси бўйича, яъни дастурнинг вазифа ва йўналишларини кенг ёритиш, уни жойларда тарғиб қилиш юзасидан ҳам тизим вакиллари томонидан 11 маротаба маҳаллий телевидениеда, 17 маротаба радиода ва 5 маротаба газетада чиқиш қилинди ҳамда корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари, қишлоқ ва маҳаллаларда ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда 2008 йил 1-чорагининг ўзида 55 та кам таъминланган оилага тўй ва оила маросимларини ўтказишда ёрдам берилиб, 17,5 миллион сўм пул маблағлари сарфланди.

Шунингдек, жорий йилнинг май ойида Давлат дастури доирасида Андижон вилоятидаги барча олий ўқув юртларида "Ватан оиладан бошланади, она эса оила таянчидир" мавзуида профессор-ўқитувчилар билан талабаларнинг мулоқотлари юқори савияда ўтказилди.

Давлат дастурининг I бўлими ижросини таъминлаш мақсадида бошқармамиз томонидан "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини янада ривожлантириш мақсадида Адлия вазирлиги ҳамда Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир 2008 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига асосан адлия бошқармаси ва унинг ҳудудий тизимлари ходимлари томонидан 130 маротаба тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Зеро, ёшларимиз орзу-ўйлари, порлоқ келажаги учун муҳим бўлган омиллар "Ёшлар йили" Давлат дастурида ўз аксини топган. Ёшлар эса бизнинг эртамиздир.

Бахтиёр ИБРАГИМОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

● *Трансмиллий жиноятчилик — инсониятга таҳдид*

Одам савдоси

унга қарши курашишда давлат органларининг роли

БУГУНГИ КУНДА деярли барча мамлакатлар одам савдосига қарши курашишга жиддий эътибор қаратмоқдалар.

МАМЛАКАТИМИЗДА одам савдосига қарши курашишни самарали ташкил этиш мақсадида 2008-2010 йилларга мўлжалланган Миллий режа ҳаётга татбиқ этилаётир. Республикамиз 2003 йилда БМТнинг **"Одам савдоси ва фоҳишабозликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"**ги конвенциясига қўшилган.

Жорий йилнинг 17 апрелида қабул қилинган **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонунга биноан Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги одам садосига қарши курашишни бевосита амалга оширувчи давлат органлари деб белгиланган.

Шунингдек, Қонунда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатишлари лозимлиги ҳам алоҳида кўрсатилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган **"Ўзбекистон Республикаси васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом"**да васийлик ва ҳомийлик органларига: мактабгача таълим, умумтаълим, даволаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уй-жой хўжалиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, вояга етмаганлар иши бўйича комиссиялар, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар, шунингдек, фуқаролар ота-онаси ёки фарзандликка олувчилари бўлмаган болалар тўғрисида, ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган болалар тўғрисида, ота-онасининг тарбиясида бўлиши болалар манфаатларига зид бўлганда, шунингдек, уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжуд бўлган болалар тўғрисида, агар болалар манфатлари учун зарур бўлса, ота-онасининг касаллиги сабабли улар қаровисиз қолган болалар тўғрисида, уларни тарбиялаш, даволаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан олишдан бош тортган ота-оналарнинг болалари тўғрисида, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб эътироф этилган шахслар тўғрисида, соғлиғи туфайли ҳомий тайинланишига муҳтож бўлган вояга етган ва муомалага лаёқатли шахслар тўғрисида маълумотлар беришга мажбур эканликлари қайд этилган.

Юртимизда фуқароларни одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг мудҳиш оқибатларидан асраш, ҳимоялаш, ушбу жиноий хатти-ҳаракатдан жабр кўрганларга амалий ёрдам кўрсатилишига доир чора-тадбирларнинг ҳуқуқий базаси яратилган, шу билан бир қаторда **мажмуавий йўналишлар** ҳам белгилаб олинган.

Бунда энг муҳим бўғинлардан бири ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, одам савдосининг аянчли оқибатларини ҳар бир фуқарога тушунтириш, кам таъминланган оилалар эҳтиёжини ўрганиш, иш билан таъминланмаганларни тегишли хизматлар ва идоралар ёрдамида ишга жойлаштириш, аёллар ва хотин-қизлар ўртасида маънавий-ахлоқий тадбирларни ўтказиш, уларни одам савдосидан боғлиқ хавф-хатарлардан огоҳ этиш устувор аҳамият касб этади.

Искандар РАҲИМОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Юқори малакали кадрлар

суд-ҳуқуқ соҳасида изчил фаолиятни таъминлайди

ЖАМИЯТДА ҚОНУН устуворлигини таъминлашда энг муҳим ўрин тутган ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари, судьялар ва давлат хизматчиларининг касбий малакасини ошириш мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу борада Республика юристлар малакасини ошириш Марказига ҳам муайян масъулиятлар юкланади.

МАЗКУР МАРКАЗ Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги **"Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"**ги Фармонига асосан ташкил этилган. Марказнинг асосий вазифаси мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматининг олий маълумотли ходимлари, ёш ҳуқуқшунос мутахассислар ва раҳбарлик лавозимига захирага олинган ходимлар, шунингдек, адлия, суд, адвокатура ҳамда ҳокимият идоралари, ҳуқуқшунослик фани профессор-ўқитувчиларининг касбий малакаларини ошириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишлаш учун қайта тайёрлашдан иборат.

Марказ ташкил этилганидан буён ўн минг тўрт юз нафар тингловчининг малакасини оширишга эришилди. Улар орасида Адлия вазирлиги, Олий суд, Олий хўжалик суди ходимлари, давлат идоралари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг юрист маслаҳатчилари, ТДЮИ профессор-ўқитувчилари, туман (шаҳар) судлари, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар, туманлараро судлар раислари ва Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди ҳамда Тошкент шаҳар ва вилоятлар хўжалик судларида судьялик лавозимига илк бор тайинланиш учун захирага олинган номзодлар бор.

Марказ ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида ҳуқуқшунос ходимларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларидан самарали фойдаланишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Ушбу Марказда **"Демократик жамият назарияси ва амалиёти"**, **"Давлат ҳуқуқий фанлари"**, **"Фуқаролик ҳуқуқий фанлари"**, **"Жиноий ҳуқуқий фанлари"** **"Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари" фанлари"** бўйича кафедралар ташкил қилинган бўлиб, уларда юқори малакали профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Замонавий ўқув хоналари, компьютер ва тест синфлари, кутубхоналар зарур ўқув-услубий воситалар, энг сўнгги электрон технология қурилмалари билан жиҳозланган.

Ўқув даргоҳида махсус фанлар билан бир қаторда информацион технологияларнинг замонавий ютуқларидан фойдаланишга оид маърузалар, компьютер ва электрон алоқа усуллари билан боғлиқ амалий машғулотлар, лотин имлосига асосланган ўзбек ёзуви, миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, инсон ҳуқуқларига оид халқаро нормалар ва уларнинг Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилинишига оид долзарб мавзулар бўйича машғулотлар олиб борилади.

Марказ тингловчиларининг касбий йўналишига мутаносиб равишда ўқув жараёнига республикамизнинг етакчи ҳуқуқшунос олимлари билан бир қаторда, юқори малакали, кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий хўжалик суди, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Бош прокуратура, Конституциявий суд, Республика Илмий-тадқиқот криминалистика маркази, Давлат Архив бошқармаси ва бошқа шу каби идораларнинг тажрибали мутахассислари юристлар малакасини ошириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Малака ошириш жараёнида катта ёшдагилар таълимига хос педагогик ва психологик хусусиятлар алоҳида эътиборга олиниб, тингловчиларга ўз касбий билим ва малакаларини синаб кўриш имкониятлари яратилган. Ўқув курси дастурларини такомиллаштириш мақсадида тингловчиларнинг фикр ва мулоҳазалари мунтазам ўрганиб борилиши йўлга қўйилган. Тингловчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини таҳлил этиш асосида ўтилаётган машғулотларнинг самарадорлигини ошириш, замон талабларига мос янги ўқув дастурлар ишлаб чиқиш ва мавжуд ўқув дастурларини замонавий таълим талабларига мувофиқлаштиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, янги ўқув йилидан бошлаб тингловчиларнинг таклифлари ва талабларига биноан **"Конфликтология"**, **"Нутқ маданияти"**, **"Психология асослари"** фанлари ўқув жараёнига киритилди.

Ўқув дастурлари, ўқув услубий қўлланмалари, маъруза матнларида қонунчиликдаги ўзгаришлар ва қўшимчаларга оид янгиликларни ўрганишга амалий ёндашилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича ҳамда фуқаролик ва хўжалик судлари судьялигига илк бор тайинланиш учун захирага олинган номзодларни қайта тайёрлаш ўқув дастурлари қонунчиликдаги қўшимча ва ўзгартишларни ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги янгиликларни, юридик фаннинг сўнгги ютуқларини эътиборга олган ҳолда қайтадан ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилинди.

Президентимизнинг **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармонининг ижросини таъминлаш юзасидан Марказ томонидан **тадбирлар режаси** ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ўқув масканимиздаги барча гуруҳларда **"Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий механизмлари"**, **"Инсон-нинг одил судловга бўлган ҳуқуқининг халқаро андазалари"**, **"Инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларни имплементация қилиш механизмлари"** мавзуларида ўқув-машғулотлари ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий институтлари – Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Тингловчилар инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда мазкур миллий институтларнинг кўп қиррали фаолияти, уларнинг миллий қонунлар ва миллий маърузалар тайёрлаш жараёнидаги иштироки, фуқароларнинг мурожаатлари ва аризаларини кўриб чиқиб, уларга ўз вақтида асослантирилган жавоб бериш амалиёти билан танишдилар. Шу билан бирга ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар. Мазкур институтлар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш борасида нашр қилинган бир қатор адабиёт ва журналлар тингловчиларга тарқатилди. Машғулотлар жараёнида замонавий интерактив ўқув услублар ва электрон ўқув воситаларидан самарали фойдаланилмоқда.

Айни пайтда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларимиз ОАВда ёритилиб, Марказимизнинг веб-сайтида эълон қилиб бориляпти.

Шуни қайд этиш жоизки, ҳозирда Марказ профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган **"Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалари"** махсус курсининг 30 соатга мўлжалланган намунавий ўқув дастури ўқув режаларига киритилди. Ушбу ўқув курсининг асосий мақсади Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оид замонавий ёндашув, билим ва маданиятни шакллантиришда тутган ўрни ҳамда аҳамиятини янада кенг тарғиб этишдир.

Хулоса қилиб айтганда, юристлар малакасини ошириш жараёнида инсон ҳуқуқларининг илмий ва ҳуқуқий асосларини ўрганишга, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг масъулиятини ошириш, бу борадаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги билимларини бойитиш ва унга ўз фаолиятида қатъий амал қилиш кўникмасини сингдириш Марказнинг асосий вазифаларидан бирига айланган.

Сайёра ХЎЖАЕВА,
Республика Юристлар малакасини ошириш Маркази директорининг биринчи ўринбосари, юридик фанлари номзоди

● *Ислоҳотлар жараёни*

Бозорлар тўкинлиги

эл фаровонлиги

ЮРТИМИЗДА АЗАЛДАН бозорга катта эътибор билан қаралган. Айниқса, "Буюк ипак йўли"да жойлашган Осиё бозорларининг дунёда мавқеи баланд бўлган.

МАМЛАКАТИМИЗДА бозорлар фаолиятини тартибга солиш, сотувчи ва харидорларга зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қамровли ишлар қилинаяпти, қонуний асослар янада мустаҳкамланмоқда. Бу жорий йилнинг 1 январидан амалга киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексида ҳам ўз аксини топган.

— Айни вақтда Наманган вилоятида давлат рўйхатидан ўтган 45 та бозор фаолият юритмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Алишер Бойханов. — Уларнинг 21 таси "Деҳқон бозори", 7 таси "Буюм бозори", 13 таси "Ҳайвон бозори", 4 таси эса "Ихтисослаштирилган бозор"лардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда бозорларимизнинг қиёфаси буткул ўзгарди. Янгидан-янги расталар, кўплаб турғун савдо шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айниқса, Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги тантаналари арафасида Наманган шаҳридаги "Сардоба" бозорининг мукаммал таъмирдан чиқарилиб, қўшимча савдо мажмуалари билан ишга туширилгани кўпчиликни мамнун этди. Бу ерда 125 тага яқин янги, замонавий турғун савдо шохобчаси барпо этилди. Бундай бунёдкорлик ишлари Наманган шаҳридаги "Жаҳон буюм", "Чорсу деҳқон", "Дўстлик буюм", Чортоқ туманидаги "Чортоқ деҳқон", Чуст туманидаги "Чуст деҳқон" ва Учқўрғон туманидаги "Учқўрғон буюм" бозорларида ҳам амалга оширилди.

Бозорлар фаолиятини ташкил этиш, уларга қўлланиладиган солиқларнинг ўзига хос хусусиятлари Солиқ кодекси билан янада мустаҳкамлаб қўйилгани бозорлар фаолиятини яхшилашга қаратилган муҳим ишларнинг мантиқий давомидир. Чунончи, қонунга мувофиқ патта тўлови ва бошқа тушумлар бозорларнинг даромадларига киради.

Патта тўловининг миқдорлари маҳаллий давлат ҳокимияти, вакиллик органлари томонидан белгиланади.

Сотувчилар ва сотиб олувчиларга хизматлар кўрсатилганлиги, ер майдонлари, бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа мол-мулк юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берилганлиги ҳамда бозорлар томонидан кўрсатиладиган бошқа хизматлар учун ҳақ шартнома асосида ундирилади. Бунда ер участкалари учун ижара ҳақининг суммаси юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкасидан кам бўлмаслиги ва ушбу жой учун юридик шахслардан олинадиган ер солиғи миқдорининг уч бараваридан кўп бўлмаслиги керак.

Шунингдек, бозорлар даромадлари умумий суммасининг 50 фоизи белгиланган тартибда улар жойлашган ердаги тегишли маҳаллий бюджетга ўтказилади. Қолган 50 фоизи бозор маъмурияти тасарруфида қолади. Бу ўз навбатида жорий харажатларни қоплаш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, бозорлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш, сифатини яхшилаш учун йўналтирилади. Бу каби муҳим чора-тадбирларнинг самараси ўлароқ, бугунги кунда бозор даромадлари ортмоқда. Хусусан, вилоятимизда жорий йилнинг ўтган даври учун белгиланган 50 фоизлик тушум режаси 106,7 фоизга уддаланди.

Хуллас, кундан-кунга замонавий қиёфага эга, бир-биридан тўкин-сочин бозорларимиз, миришкор деҳқонларимизу омилкор боғбонларимиз етиштираётган қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик маҳсулотларига тўла расталар фаровон ҳаётимизни намоён этиб туради. Беихтиёр юртимизнинг бекам бозорлари бор бўлсин, дегинг келади.

Баҳодир ҲАМИДОВ,
Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати бош мутахассиси

Янгича ёндашув

САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ "Тўмарис" меҳмонхонасида "Солиқ қонунчилиги, солиқ бошқаруви ва солиқ жавобгарлигига жалб қилиш", "Камерал назорат, молиявий ҳамда солиқ ҳисоботи таҳлилини амалга ошириш" мавзуларида ўқув семинарлари бўлиб ўтди.

Халқаро молия корпорацияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, БМТнинг "Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти" ривожлантириш дастури лойиҳаси ва Ўзбекистон Бизнес фанлари ўқитувчилари ассоциацияси томонидан ташкиллаштирилган уч кунлик мазкур анжуманда вилоят Давлат солиқ бошқармаси, шаҳар ва туманлар Давлат солиқ инспекциялари мутахассислари ва инспекторлари солиқ бошқаруви тизимидаги ўзгаришлар ва янгиликлар, солиқларни ҳисоблаш масалалари ва хусусиятлари ҳамда соддалаштирилган солиққа тортиш тизими хусусияти, шунингдек, солиқ назоратини амалга ошириш ва камерал назоратни жорий этиш каби бир қатор масалалар юзасидан билим ва тажриба алмашишди.

Маълумки, солиқ давлатимиз иқтисодиётининг таянчи ҳисобланади. Уни амалдаги қонун ва низом ҳужжатлари асосида тўғри йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада эса солиқ ходимларининг билим ва тажрибалари ҳамда солиқчиларнинг мақсадли ёндашуви муҳим аҳамият касб этади.

Юнус МИРЗАЕВ

● *Масъулият*

Солиқлар ва йиғимлар

уларни тўлаш конституциявий бурчимиздир

МАЪЛУМКИ, ФУҚАРОЛАР томонидан тўланадиган солиқлар мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчи ҳисобланади. Шундай экан, белгиланган солиқ ва йиғимларни тўла ва ўз вақтида давлат бюджетига ундириш солиқ хизмати ходимларидан катта масъулият талаб қилади.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ давлат солиқ бошқармаси ва унинг қуйи тизими ходимлари ҳам зиммаларидаги вазифаларни бажариш йўлида бир қатор ижобий натижаларга эришмоқдалар.

Таъкидлаш лозимки, нақд пул тушумини кўпайтириш, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, яширин фаолият юритаётган шахсларни аниқлаш фаолиятимизнинг асосий мезонларидан саналади. Бу борада ҳукумат қарорлари, қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари бизга дастуриламал бўлмоқда.

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, вилоятимиз ҳудудида 7231 та нақд пулда ҳисоб-китобларни амалга оширувчи савдо ва пулли хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатган бўлса, уларнинг 6117 таси назорат касса машинаси (НКМ) орқали, 1114 таси квитанция асосида ишлаётган субъектлардир. Ўтган 8 ой давомида юқоридаги субъектларда соҳага оид қарор ва фармонлар ижроси юзасидан 2592 маротаба қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, уларнинг 2585 тасида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Вилоят ДСБ бошлиғининг 2008 йил 7 июль кунги 629-ХС-сонли буйруғига асосан Оқбилол қишлоғида яшовчи хусусий тадбиркор У.Ғаффоровнинг савдо дўконида ўтказилган қисқа муддатли текширишда дўкон соҳиби 92.000 сўм нақд пулни НКМга кирим килмаганлиги, 3 миллион 744 минг 197 сўм пулни НКМга кирим қилмасдан банкка топшириб юборганлиги ҳамда 13 турдаги 396.200 сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ҳеч қандай кирим ҳужжатларисиз сотаётганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан СВОЖЖДЛҚК департаменти туман бўлими томонидан У.Ғаффоровга нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси, 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Қўқон шаҳар ДСИ ходимлари МХХ Қўқон шаҳар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган текширишларида яна бир қонунбузилиш ҳолатига дуч келишди. Лойиҳавий кўчаси, 77-уйда яшовчи И.Солиев ўз хонадонида ҳеч қандай ҳужжатларсиз 258 миллион 534 минг сўмлик хўжалик совунларини сотиш мақсадида сақлаётганлиги аниқланди ва ушбу маҳсулот далилий ашё сифатида олиниб, "Мего-Юнион" МЧЖга қарашли савдо дўконига топширилди. Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ўтказилган қисқа муддатли текширишлар натижасида 382 та хўжалик юритувчи субъектга нисбатан НКМдан фойдаланмаслик, квитанция бермаслик ҳолати бўйича 221 миллион 405 минг сўм, 183 та субъектга нисбатан эса 47 миллион 667 минг сўмлик кирим қилинмаган товарлари миқдорида молиявий жарималар қўлланилди.

Белгиланган савдо қоидаларини бузган, НКМдан фойдаланмаган ва нақд пул маблағларини ўз вақтида банкка топширмаган 63 та савдо шохобчаси рухсат гувоҳномаларининг амал қилишини тўхтатиш юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилди. Шу билан бирга 258 та текшириш ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилиб, уларнинг 195 таси бўйича айбдорларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган. 537 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан эса солиқ идоралари томонидан 36 миллион 888 минг сўм маъмурий жарима қўлланилган ва ундириб олинган.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида ҳамкасбларимиз вилоят бўйича 163 та яширин цехни фош этишди. Улардан 61 миллион 461 минг 900 сўмлик ишлаб чиқариш воситалари далилий ашё сифатида олинди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Аммо гап бунда эмас. Энг муҳими, қиғир ишнинг қийиғи бир кун чиқишини ҳар бир фуқаро теран англаб етиши лозим. Зеро, амалдаги қонунларга сўзсиз риоя этиш, белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлаш конституциявий бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

Абдували ТЕШАБОЕВ,
Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари,
Элдоржон ИСМОИЛОВ,
Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати бош мутахассиси

● *Рейд*

Лицензия

Қонун талаби, сифат кафолати

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2001 йил 29 июндаги «Гастрол-концерт фаолияти соҳасига солиқ солиш ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 285-сонли карори граммпластинкалар, аудио-видео кассеталар, лазер дисклари ва шунга ўхшаш бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда сотишни тартибга солишга қаратилган. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, давлат солиқ хизмати органлари, «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияларига бу борада аниқ вазифалар юклатилган. Тегишли лицензия олмасдан шуғулланувчи шахсларни амалдаги қонун асосида жавобгарликка тортиш алоҳида кўрсатиб ўтилган.

РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИДА аудио-видео кассеталар ва лазер дисклари сотиш билан фақат хўжалик юритувчи субъектлар шуғулланишлари ва бу соҳадаги фаолият назорат-касса машиналари ўрнатилган турғун савдо шохобчаларида амалга оширилиши лозим. Хўш, айни вақтда бу соҳадаги аҳвол қандай? Бозорларни кузатасизми, аҳоли гавжум жойларда бўласизми, кассета ва дисклар билан савдо қилиш муаллифлик ҳамда турдош ҳуқуқларга эга бўлмаган кишилар қўлида эканлигидан куз юмолмаймиз.

Қашқадарё вилояти Давлат солиқ хизмати ходимлари яқинда Китоб туманидаги Ш.Мўминов кўчаси, 11-уйда яшовчи Ҳусниддин Юсупов хонадонида бўлишди. У энг "ноёб" кассеталар, жонон фильмлар аканг қарағайда, деб кўкрагига уриб мақтанганди. Солиқ ходимлари тегишли рухсатномаларини кўрсатиб «тадбиркор»дан бу маҳсулотлар билан савдо қилиш тўғрисидаги ҳужжат ва сифат тўғрисидаги лицензияни сўраганларида нафаси ичига тушиб, ломмим деёлмай қолди. Негаки, у савдо-сотиқ билан ноқонуний равишда шуғулланаётган эди. Ундан 595 минг сўм миқдорида 442 дона аудио, видео ва лазер дисклари далилий ашё сифатида олинди. Шу тумандаги Ҳамза кўчаси, 23-уйда яшовчи Темур Убайдуллаев 636 минг сўмлик 533 дона, Г.Жўрабеков номли кўчанинг 131-уйида яшовчи Рамиш Хонназаров 154 минг сўмлик 781 дона сифатсиз, чала-чулпа тайёрланган кассета ва дисклар билан рейд аъзолари қўлига тушишди. Косон тумани, Мудин қишлоғида яшовчи Жавлон Ҳаққулов ҳам узоқ вақтлардан буён кассета ва лазер дисклари савдоси билан шуғулланиб келган-у, бунинг учун рўйхатдан ўтиш, лицензияга эга бўлиш лозимлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган.

— Очиғини тан оладиган бўлсак, ўтган йили рейд текширувлари натижасида 71 ҳолатда лицензиясиз фаолият кўрсатаётган жисмоний шахслар аниқланиб, улардан 6893 дона умумий қиймати 60589 минг сўмлик аудио-видео (CD, DVD, MP-3) дисклари олиниб, уларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилган бўлса-да, биз Вазирлар Маҳкамаси қарорини талаб даражасида бажардик, дея олмаймиз, — дейди вилоят Давлат солиқ бошқармаси жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи Фарҳод Жалилов. — Жорий йилда бу камчиликларга чек қўйиш учун амалий тадбирларни кўраяпмиз. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасаддди ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чораларни белгилаб олдик. Унга мувофиқ, жойларда ноқонуний равишда аудио-видео кассеталар, лазер дисклари ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотлар билан савдо қилиш ва уларни олиб кириш ҳолатларининг олдини олиш, контрафакт маҳсулотларининг ноқонуний савдоси ва ижараси билан шуғулланаётган барча субъектлар фаолияти тўхтатилиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, 2008 йилнинг ўтган саккиз ойи давомида вилоят бўйича 55 та ҳолатда лицензиясиз фаолият кўрсатаётган жисмоний шахслар аниқланиб, улардан 7670 та ёки 7518,2 минг сўмлик аудио, видео, лазер дисклар далилий ашё сифатида олиниб, ҳуқуқбузарларга нисбатан 1094,3 минг сўм ҳажмида маъмурий жарима қўлланилди.

Барча туман ДСИ ходимлари томонидан ҳудудлардаги аудио-видео, кино маҳсулотларидан нусха кўчириш, уларни сотиш ва ижарага бериш билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари, уларга тегишли шохобчаларнинг фаолияти бирма-бир ўрганиб чиқилаяпти.

Бу соҳада Давлат солиқ инспекторларининг ўрни ва роли катта. Шу боис ҳам улар ўз ҳудудларида ички ишлар таянч пункти нозирлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан биргаликда ноқонуний кўчириб сотиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш бўйича доимий назорат тадбирлари олиб бормоқдалар.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси, Ахборот хизмати бошлиғи.

Бола тарбияси

БУХОРО ВИЛОЯТИ адлия бошқармасининг ташаббуси билан Ғиждувон тумани ҳокимлигида ФҲДЁ органлари, туман хотин-қизлар қўмитаси, васийлик ва ҳомийлик Кенгаши ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия вакиллари иштирокида "Ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки чеклашнинг ҳуқуқий оқибатлари" мавзуида сайёр семинар ўтказилди.

Унда ота-она қарамоғидан четда қолган болалар тарбияси, ёш оилаларда бола тарбияси ва камолоти учун масъуллик ҳиссини уйғотиш ҳамда оила мустаҳкамлигини таъминлаш борасида мавжуд муаммолар муҳокама қилиниб, ФҲДЁ органлари ва вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича республикада фаолият кўрсатаётган давлат ташкилотларининг вазифалари белгилаб олинди.

Феруза БОЗОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

● *Қилмиш — қидирмиш*

Товламачилар тузоғи

АЛДАМЧИ БИЛАН найрангбоз ҳар қандай одамни ўзининг сафсатаси билан сеҳрлаб, ром қилади. Ҳар қандай устаси фаранг ҳам одам савдосини касб қилиб олган найрангбознинг тузоғига осонгина илинганини билмай қолади...

ЖОМБОЙ ТУМАНИ Э.Турдиев номли деҳқон фермер хўжалигининг Бешбола қишлоғида яшовчи 1956 йилда туғилган Йўлдошбой Абдураҳимовнинг асли касби ошпазлик.

Йўлдошнинг ошхонсига тергов чоғида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Сардор исмли шахс ташриф буюради ва Қозоғистонда катта қурилиш фирмаси борлиги, ёлланма ишчи кераклиги, агарда ишчилар топиб берса мўмай пул беришини айтиб қолади. Пулга муккасидан кетган Йўлдошга бу таклиф мойдек ёқади. Янги ошнаси билан Йўлдошбой ўзи яшайдиган "Бешбола" қишлоғига бориб, даставвал қўлидан иш келадиган усталар билан учрашади. Қозоғистондан дўсти келганини, унинг катта қурилиш фирмаси борлиги, ойига 400-500 АҚШ доллари бериши, еб-ичиши, текин ётоқхона борлигини айтиб, элчилик қилди. Буни қарангки, айрим қишлоқдошлари Йўлдошнинг бу сафсатасига чиппачин ишониб, Қозоғистонга бориб ишлашга хайрихоҳлик билдиришади. Дастлаб Йўлдошбой ҳамқишлоғи Анорбой ва унинг ўғли Санъат Жалиловларни тузоғига илинтириб, шериги билан ота-болани Қозоғистон Республикаси Алмати шаҳрига олиб бориб, гўёки расмийлаштириш учун паспортларини олади. Ота-бола Ниёз оға исмли турк миллатига мансуб киши уйида қурилишга жалб қилинади. Бироқ, ота-бола Жалиловлар қурилиш ишларини тўлиқ бажарган бўлса-да, ваъда қилинган ойлик маошларини ололмадилар. Йўлдошбой ўз шериги билан уларга тааллуқли бўлган иш ҳақларини олиб, лукмаларидан ўтказиб бўлгандилар.

Ота-бола Жалиловлар эса аро йўлда, очлик ва хорликда, ер-тўлада яшаб, минг бир азобда, бир йилдан зиёдроқ вақт ўша ерда қолиб кетишди.

Бу фурсатда одам савдосини касб қилиб олган ғаламис Йўлдошбой Абдураҳимов яна қишлоғига келиб, Олим Хушанов, Ғайрат Умаровларга ҳам ваъдалар бериб, тузоғига илинтирди. Шундан кейин Шавкат Умаров, Нодир Шукуровларни ҳам алдади. Жаброил исмли кишиникига олиб бориб, уларнинг ҳам шахсини аниқловчи ҳужжатларини олиб қўйган.

Миллатига, ҳамқишлоқларига хиёнат қилган, одам савдоси каби қабиҳ ишни ўзига касб қилиб олган Йўлдош Абдураҳимов ўз қилмишига яраша жазо олди...

Кишини бир нарса ўйлантиради. Айрим одамларга нима бўлган ўзи? Ўзга давлатларда пулни сочиб қўйгандек, ўша ёқларга ошиқишади. Ахир, халқимиз айтганидек, ҳар ерда тош-тарозу бор. Ўзимизда ҳам ишлаётган киши кам бўлмайди-ку!

Эгамберди РЎЗИЕВ,
Жомбой тумани прокурори,
Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ислоҳотнинг янги босқичи

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ташаббуси билан вилоят адвокатлар ҳайъати адвокатлари, адвокатлик фирмаси бюролари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган семинар-тренинг "Адвокатуранинг ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими, адвокатлик тузилмалари ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари" мавзуига бағишланди.

Тадбирда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичи, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатларнинг ролини кучайтириш, адвокатура фаолияти ва унинг ҳуқуқий асослари, адвокатнинг ҳуқуқ ва бурчлари, у қатнашиши шарт бўлган ҳолатлар тўғрисида батафсил фикр юритилди.

Жамшид ТИЛАВОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ёшларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг замонавий илм сир-асрорларини чуқур эгаллашлари, етук касб-ҳунар эгаси, бир сўз билан айтганда, ёруғ келажакнинг муносиб ворислари бўлишлари учун амалга оширилган ишлар, яратилган имкониятлар алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб номланганлиги ҳам жамиятимизда ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий тасдиғи бўлди.

● *Таълим*

Эркинлик эътирофи

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗДА ҳар бир фуқарога билим олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқининг кафолатланганлиги ҳамда "**Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида**"ги Қонуннинг қабул қилинганлиги муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг таълим тизими ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос миллий таълим тизими ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Айниқса, узоқ муддатга мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурида белгиланган принципиал вазифаларнинг ижтимоий ҳаётимизда босқичма-босқич ўзининг амалий ифодасини топаётганлиги таълим-тарбия соҳасида ўзига хос бурилиш ясади десак, муболаға бўлмайди.

Айни пайтда чуқур билим ва малакага эга бўлишни истовчи ёшлар нафақат юртимизда, балки хорижнинг энг нуфузли ўқув даргоҳларида ҳам турли соҳалар бўйича таҳсил олмоқдалар. Ҳолбуки, ўн беш, йигирма йил аввал ўзбек фарзанди Кембриж, Гарвард, Оксфорд ёки Нагоя каби дунёнинг машҳур олий ўқув юртлари талабаси бўлади ёхуд азим пойтахтимиз Тошкентнинг марказида Марказий Осиёда ягона Халқаро Вестминстер университети ёки Сингапур менежмент институти ташкил этилади, деган фикрни ҳеч ким хаёлига ҳам келтиролмас эди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда илғор давлатлар тажрибасига ва халқаро таълим стандартларига таянган ҳолда юриспруденция соҳасини, шу жумладан, юридик фанларни такомиллаштириш, уларнинг кўлами ва самарадорлигини ошириш борасида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар ҳамда изланишлар олиб борилди. Энг муҳими, юртимизда таълим-тарбия тизимининг замонавий усул ва услублари жорий этилиб, замон ва тараққиёт талабидан келиб чиқиб "**профессионал юридик таълим тизими**"га ўтилди.

Бошқача айтганда, ижтимоий ҳаётни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида янги даврнинг талаб ҳамда эҳтиёжларига мос равишда ҳолда янгича қараш ва ёндашувларни ўзида ифода этадиган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Энг эътиборли томони шундаки, бундай тадқиқотлар муаллифларининг кўпчилик қисмини асосан ёшлар ташкил этмоқда.

"Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон манфаати учун" деган ҳаётий ҳақиқат замирида жамиятимизда юз бераётган бундай ўзгаришларни ҳар қайси соҳада кўриш мумкин. Энг муҳими, бугун таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, аввало, ҳар бир инсон, ҳар қайси миллат учун ўзига хос ғурур ва ифтихорга айланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида "ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим" дея мустаҳкамланган умумбашарий қоидани амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Хусан ТУРСУНОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

Соғлом ҳаётга йўлланма

БУХОРО ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси Жондор тумани ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомнинг мазмун-моҳияти ва унинг ижроси юзасидан семинар-йиғилиш ўтказди.

Сўзга чиққанлар мавзунинг долзарблиги, олдинда турган вазифалар тўғрисида ҳамда қонуний никоҳдан ўтмагани етмагандек тиббий кўрикдан ўтмай оила қураётган ёшлар тақдири, унинг салбий оқибатларини ҳаётий мисоллар билан йиғилганларга тушунтирдилар.

Шу билан биргаликда никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби, айрим ҳолларда аниқланган касалликларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва уларнинг даволаниш йўл-йўриқлари ҳақида ҳам айтиб ўтилди.

Маҳфуза НОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

NORMA

Қонунчилик маълумотлари базаси бўйича иш ҳажми кўпайиши муносабати билан

МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ ЮРИСТИ

лавозимларига танлов эълон қилинади

Меҳнат ҳақи: ишбай (иш ҳақи + бажарилган иш ҳажмидан %).

Мансаб вазифалари: норматив ҳужжатларни дастлабки ва юридик қайта ишлаш, уларни тизимлаштириш ва классификациялаш, маълумотлар базасини назорат ҳолида сақлаш, ҳужжатларга шарҳ ва маълумотномалар тузиш, гиперссилка, тематик ва алфавит-предмет кўрсаткичларини ташкил қилиш.

Номзодларга қўйиладиган талаблар: компьютер ва электрон ахборот тизимларидан яхши фойдаланишни билиши, масъулиятли ва эътиборли бўлиши, янги иш услубларини тез ўзлаштира олиши лозим.

Номзод бакалавр даражасидан паст бўлмаган олий юридик маълумотга эга бўлиши керак. Магистратурада таълим олаётган талабалар ҳам танловда иштирок этишлари мумкин.

Электрон ҳуқуқий ахборот тизимларидан фойдаланиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертиза қилиш ҳамда қонунчиликни тизимлаштириш тажрибасига эга бўлганларга танловда имтиёз берилади.

Номзодингизни ўрганиб чиқишимиз учун ўзингиз ҳақингиздаги маълумотни (резюмени) компаниянинг E-mail: vakant@norma.uz электрон манзилига юборишингиз ёки Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, шарқий тараф, 10а уй, 2-қаватдаги компания офисига топширишингиз керак.

Резюмеда қисқача қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: ФИО, туғилган йилингиз, маълумотингиз, олий ўқув юртининг номи ва мутахассислигингиз, иш тажрибангиз, манзилингиз, боғланиш учун телефон ва ишга қабул қилишда керак бўладиган қўшимча маълумотлар.

Резюмени топшириш муддати: 2008 йил 15 ноябргача.

Ишга қабул қилиш танлов асосида, яъни тест ва суҳбат натижаларига қараб амалга оширилади. Тест ўтказиш вақти тўғрисида номзодларга қўшимча равишда маълум қилинади.

Мурожаат учун телефон: 2370778, факс: 2374529 (Зироат Якубова).

NORMA

Ўзбек тилидаги "Корхона юристи" электрон ахборот тизими яратилиши муносабати билан

ЭКСПЕРТ

лавозимларига танлов эълон қилинади

Меҳнат ҳақи: ишбай (иш ҳақи + бажарилган иш хажмидан %).

Мансаб вазифалари: ўзбек тилидаги "Корхона юристи" электрон ахборот тизимини яратишда иштирок этиш, норматив ҳужжатларни дастлабки ва юридик қайта ишлаш, гиперссилкаларни тузиш, матнларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш.

Номзодларга қўйиладиган талаблар: компьютердан яхши фойдаланишни билиши, ҳуқуқий матнларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш тажрибасига эга бўлиши, масъулиятли ва эътиборли бўлиши, янги иш услубларини тез ўзлаштира олиши лозим.

Номзод бакалавр даражасидан паст бўлмаган, гуманитар йўналишидаги олий маълумотга эга бўлиши керак. Магистратурада таълим олаётган талабалар ҳам танловда иштирок этишлари мумкин.

Рус ва ўзбек тилларида бир хилда эркин муомалада бўлувчилар ҳамда корхона юристи, хўжалик соҳага ихтисослашган адвокат ёки ҳуқуқий матнлар таржимони бўлиб ишлаганларга танловда имтиёз берилади.

Номзодингизни ўрганиб чиқишимиз учун ўзингиз ҳақингиздаги маълумотни (резюмени) компаниянинг E-mail: vakant@norma.uz электрон манзилига юборишингиз ёки Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, шарқий тараф, 10а уй, 2-қаватдаги компания офисига топширишингиз керак.

Резюмеда қисқача қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: ФИО, туғилган йилингиз, маълумотингиз, олий ўқув юртининг номи ва мутахассислигингиз, иш тажрибангиз, манзилингиз, боғланиш учун телефон ва ишга қабул қилишда керак бўладиган қўшимча маълумотлар.

Резюмени топшириш муддати: 2008 йил 15 ноябргача.

Ишга қабул қилиш танлов асосида, яъни тест ва суҳбат натижаларига қараб амалга оширилади. Тест ўтказиш вақти тўғрисида номзодларга қўшимча равишда маълум қилинади.

Мурожаат учун телефон: 2370778, факс: 2374529 (Зироат Якубова).

Суғурта хизмати

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА суғурта бозорини янада ривожлантириш, унинг мамлакат иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ва ролини оширишга қаратилган зарур шароитлар ва ҳуқуқий асослар яратилди.

СУҒУРТА бозор инфратузилмасининг таркибий тузилмаларидан бири сифатида хизмат кўрсатиш соҳасида муҳим ўрин тутади. Шу маънода, бу турдаги хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш борасида мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришни ҳаёт тақозо этмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида **"Суғурта фаолияти тўғрисида"**ги Қонун мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар, суғурта компаниялари, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасалари вакиллари иштирок этди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан ўтказилган **"Суғурта фаолияти тўғрисида"**ги Қонун мониторинги натижалари атрофлича муҳокама қилинди. Ушбу Қонунни амалиётда қўллаш механизмларидаги мавжуд камчиликлар ва бўшлиқларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар билдирилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш хусусида, бу борадаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳақида ҳам фикр юритдилар.

(Ўз мухбиримиз)

● *Банк ва мижоз*

Ажратилган кредит маблағлари

аҳоли фаровонлигига хизмат қилади

ДАТ "Асака" банки Самарқанд вилояти филиалида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида бир қатор ижобий ишлар олиб борилмоқда.

2008 ЙИЛНИНГ 1 ОКТЯБРЬ ҳолатига банкнинг жами кредит қўйилмаси 13 480,9 миллион сўмни ташкил қилган бўлиб, бу қуйидаги соҳаларга йўналтирилган:

- Саноат соҳасига – 4 882,8 миллион сўм;
- Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга — 3 959,2 миллион сўм;
- Транспорт ва алоқага – 701,2 миллион сўм;
- Қурилиш соҳасига – 256 миллион сўм;
- Савдо ва умумий овқатланиш соҳасига – 364,9 миллион сўм;
- Қайта тайёрлов корхоналарига – 25,0 миллион сўм;
- Айланма маблағларни тўлдириш мақсадида – 1 012,8 миллион сўм ва 2 279,0 миллион сўм бошқа мақсадлар учун қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилган.

Жумладан, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 2008 йилнинг 9 ойи давомида 6 377,5 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилган: Шундан:

- 2 450,2 миллион сўми саноатни ривожлантириш учун;
- 1 294,9 миллион сўми қишлоқ хўжалик соҳаси учун;
- 2 316,4 миллион сўми айланма маблағларни тўлдириш учун;
- 215,4 миллион сўми қурилиш соҳасига;
- 100,6 миллион сўми иктисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун.

Ажратилган кредит маблағлари ҳисобига жами 224 та янги иш ўрни яратилиб, шу ердаги аҳоли иш билан таъминланган.

Вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан қишлоқ хўжалик техникаси ва чорва моллари сотиб олишга 393,5 миллион сўм кредит ажратилиб, ҳозирги кунда фермер хўжаликлари томонидан ушбу кредитлар ҳисобига сотиб олинган техникалар ва чорва моллари улар даромади ошишига замин яратмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "**Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида**"ги Қарори асосида 2008 йил давомида 191,6 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сонли Фармонига асосан эса уй-жой сотиб олиш учун 61 оилага жами 2 279,0 миллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилган. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 47 та ёш оилага 1 685,6 миллион сўм ипотека ҳамда 138,3 миллион сўмлик истеъмол кредитлари берилди.

Шу билан бирга, Самарқанд вилоятида паррандачиликни ривожлантириш, аҳолига сифатли гўшт ва тухум маҳсулотлари, янги технологияларни жалб қилиш ҳамда замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида "Асака" банки Самарқанд филиали томонидан 2,7 миллиард сўмлик қайтариш усулидаги лизинг лойиҳаси молиялаштирилди ва 3,5 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилди.

Аҳолининг гилам ва гилам маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Ушбу мақсад учун 780 минг евро миқдоридаги маблағ гилам тўқиш ускуналари сотиб олиш учун ажратилди ҳамда 1,9 миллиард сўмлик қайтариш усулидаги лизинг лойиҳалари молиялаштирилди.

Аҳолига қулай, тез ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш давр талабига айланган. Шунинг учун ҳам сўм ва чет эл валютасида пластик карточкалар эмиссияси жорий этилган бўлиб, уларнинг сони 8 955 тага етди, шундан 898 нафар жисмоний шахсга 8 057 та "иш ҳақи лойиҳаси" асосида эмиссия қилинган.

2008 йил давомида пластик карточкаларга кирим қилинган маблағ суммаси 4,6 миллиард сўмдан зиёдни ташкил қилди.

Филиал томонидан ўрнатилган терминаллар сони 99 та бўлиб, шундан 89 таси савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларида ҳамда 10 таси мини банк ва банк кассаларида ўрнатилган. Жорий йилда улар орқали ўтган маблағ айланмаси 4 673 миллион сўмга етди.

"Асака" банки Самарқанд вилояти филиалидан иш ҳақи олувчи ташкилотлар сони 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, 377 тани ташкил этган бўлса, улардан 116 та ташкилотга иш ҳақи пластик карточкалар орқали берилиши жорий қилинган.

2007 йил давомида иш ҳақи лойиҳаси ҳамда жисмоний шахсларга эмиссия қилинган пластик карточкаларга жами 4 649 миллион сўм кирим қилинган бўлиб, шундан 295 миллион сўми нақд пул кўринишида кирим қилинган.

2008 йил 1 октябрга келиб кўрсаткичлар сезиларли даражада ошган. Аҳолининг пластик карточкаларга бўлган эҳтиёжининг ошиши бунга мисолдир. Жумладан, 2008 йилнинг 9 ойи мобайнида терминаллар орқали ўтган айланма маблағ суммаси 3 680,4 миллион сўм бўлиб, улардан савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари терминаллари орқали 2 449 миллион сўм савдо тушуми қайд этилган.

Жорий йил 1 октябрга қадар эмиссия қилинган карточкалар сони 15 695 донани ташкил этган ҳамда 332 та ташкилотга иш ҳақини пластик карточкалар орқали бериш жорий қилинган бўлиб, 2008 йил 9 ойи давомида "иш ҳақи лойиҳаси" асосида эмиссия қилинган пластик карточкаларга жами 4 161 миллион сўм кирим қилинган.

(Ўз мухбиримиз)

● *Қонун моҳияти*

Жиноят процессида

малакали юридик ёрдам таъминланди

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Қонуни 2008 йил 16 сентябрда матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

МАЗКУР ҚОНУННИ қабул қилишдан кўзланган мақсад жиноят процессида шахсни ҳар қандай шахс эмас, айнан махсус билим ва тажрибага эга адвокатлар ҳимоя қилиши мумкинлигини белгилаш орқали жиноят процессининг юридик ёрдамга муҳтож иштирокчиси бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини **малакали юридик ёрдам билан кафолатли таъминлашга** эришишдан иборат.

Малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи Конституциямизнинг 116-моддаси, Жиноят процессуал кодексининг 49-53-моддалари, яъни жиноят ишида ҳимоячининг иштирок этиши, қонунда кўрсатилган ҳолларда юридик ёрдамнинг бепул кўрсатилиши, ҳимоячи билан учрашиш вақтининг чекланмаслиги ва бошқа қоидалар орқали кафолатланади.

Мазкур Қонун билан ўзгартиш киритилгунга қадар амалда бўлган Жиноят-процессуал кодексининг "ҳимоячи" деб номланган 49-моддасининг иккинчи қисмида ишда ҳимоячи сифатида адвокатлар; ҳимоячи сифатида қатнашиш учун махсус рухсатномага эга шахслар қатнашишлари мумкинлиги назарда тутилган эди. Шу билан бирга гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари, шунингдек, бошқа шахслар, шу жумладан, юридик маълумоти ва тегишли лицензияси бўлмаган бошқа шахслар ҳам ҳимоячи сифатида иштирок этишига терговчининг қарори ва суд ажрими бўйича йўл қўйилиши мумкин эди.

Масалага мантиқан ёндашилганда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига юридик ёрдам кўрсатиш учун фақат малакали ҳимоячи — адвокатга эмас, балки турли шахсларга мурожаат қилиниши ёхуд уларнинг ёрдамидан фойдаланиш бир оз ноўрин. Чунки дастлабки тергов босқичида бажараётган вазифалари учун ахлоқий ва маънавий жавобгарликка, шунингдек, юридик билимга эга бўлмаган шахсларнинг иштироки орқали гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш етарлича кафолатланмайди.

Бундан ташқари, дастлабки терговда бошқа шахсларнинг иштироки Жиноят-процессуал кодексининг 353-моддасида белгиланган ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик тўғрисидаги қоиданинг ҳам ўз моҳиятини йўқотишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли дастлабки терговда фақат адвокатнинг ҳимоячи сифатида иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Жиноят-процессуал кодекси 49-моддасининг амалдаги таҳририда белгиланган ҳимоячи сифатида иштирок этиши мумкин бўлган "бошқа шахслар", "ҳимоячи сифатида қатнашиш учун махсус рухсатномага эга бўлган шахслар" жумлаларининг тушунчалари ҳам ноаниқ. Уларнинг ким экани, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига қандай алоқаси борлиги қонунда тўлиқ акс эттирилмаган, шунингдек, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиядан ташқари яна қандай "махсус рухсатнома"лар мавжудлиги ҳам тушунарсиз эди.

Бундан ташқари, яқин қариндошлар, қонуний вакиллар жиноят ишида малакали адвокат сингари гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг қонуний манфаатларини тўла ҳимоя қила олмайди. Шунинг учун уларнинг адвокат билан биргаликда жиноят ишида иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

Баён этилган ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида мазкур Қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартишлар киритилди. Унга кўра, эндиликда жиноят процессида ҳимоячи сифатида фақат адвокатлар иштирок этиши мумкин. Айни вақтда адвокат ишда иштирок этишга адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин рухсат этилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу боис илгари ҳимоячи сифатида қатнашиши мумкин бўлган "махсус рухсатномага эга шахслар" ёки "бошқа шахслар" мазкур қонун билан белгиланган қоидага кўра, жиноят процессида ҳимоячи сифатида алоҳида, мустақил тарзда ёки адвокат билан бир қаторда қатнашиши мумкин эмас.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларидан бири ҳам мазкур Қонун билан белгиланган қоидага кўра, жиноят процессида ҳимоячи сифатида алоҳида, мустақил тарзда қатнашиши мумкин эмас. Улардан бири фақат адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримига биноан йўл қўйилиши мумкинлиги аниқ белгиланди.

Бу эса жиноят процессида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини фақат зарур юридик маълумотга эга бўлган, белгиланган тартибда адвокатлик лицензиясига эга бўлган шахсларгина ҳимоя қилиши мумкинлиги ҳақидаги қоидани амалиётга жорий этиш имконини беради.

ЖПКнинг 49-моддасига киритилган ўзгартишлар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқларини қўшимча кафолатлашга, уларни малакали юридик ёрдам олишига ва ҳимоянинг савиясини янада оширишга хизмат қилади. Мазкур Қонун Конституциямизда белгилаб қўйилган тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатловчи норманинг амалга оширилишини таъминлаш баробарида инсон ва унинг манфаатлари ҳимоясини кафолатлашга хизмат қилади.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходим

● *Таассуф*

Эрта хазон бўлган гул

УНИНГ ОРЗУЛАРИ бир дунё эди. Энди эса шаффоф ўйлари-ю, булоқ сувидек тиниқ ва беғубор ҳаваслари армон бўлиб қолди, кимларнингдир масъулиятсизлиги ва бефарқлиги туфайли эрта хазон бўлди.

Қисқача тафсилот

14 АПРЕЛЬ КУНИ туман марказий шифохонаси фарроши Васила Саидқулова одатдагидек, ишга келади, тунги навбатчиликни ўтказади. Эртасига у дам олиши керак эди. Бироқ шифохона мутасаддилари томонидан бир гуруҳ ишчи-хизматчилар билан биргаликда "Юлдуз" қўрғончасига юборилади. У ерда дугонаси Насиба Авазова билан арчалар атрофини ўтдан тозалаб, дарахтларни оқлайди. Соат ўн иккилар чамаси уйига кетиш учун катта йўлни кесиб ўтаётганида, машина уриб кетади. Қисқача тафсилот шу. Энди мулоҳазаларга изн берайлик.

Айбдор ким?

Васила 24 ёшда эди... Эҳтимол, дунёда бир куннинг ўзида бундай воқеалар кўп содир бўлар. Аммо тақдирнинг азалий ҳақиқати шуки, сабабсиз оқибат бўлмайди. Бу воқеа ҳам содир бўлмаслиги мумкинмиди? Мумкин эди.

— Ўша куни Васила жуда чарчаган эди, — дейди марҳуманинг дугонаси Насиба Авазова. — Ахир, навбатчиликдан толиқиб чиққанди-да.

Мазкур жиноятни содир этган фуқаро Хуршид Ражабов шу куни "Дамас" автомашинасини "Йўл ҳаракати қоидалари"ни бузган ҳолда бошқарган. Аниқроғи, у мазкур транспорт воситасидан унинг эгаси бўлмаган ҳолларда умумий эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз фойдаланган. "Кўза кунда эмас, кунида синади". Бу аччиқ ҳақиқатни унга на автомашина эгаси бўлмиш тоғаси, на бошқа яқинлари уқтирган. Натижада, бир оиланинг бағри куйди, ота-онанинг қадди букилди.

Марҳуманинг онаси судга бир неча бор мурожаат этиб, қизи 2008 йилнинг 14 апрелида тунги навбатчиликда бўлганига қарамай, 15 апрелда шифохона маъмурияти томонидан ободонлаштириш ишларига жалб этилгани боис, ушбу ҳодиса содир бўлганини айтиб, шифохона маъмуриятига нисбатан қонуний чора кўришни сўраган.

Агар масалага адолат нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, Василанинг ўлимида шифохона маъмуриятининг ҳам айби йўқ эмас. Чунки ҳашар жойи шифохонадан камида 12-15 километр узоқда. Туни билан навбатчиликда бўлган ходимни, ўша заҳоти шунча масофадаги ишларга жалб этиш тиббий муассасада азалий одатга айланган экан. Ҳолбуки, меҳнат қонунчилигига кўра, иш тугаши билан кейинги кун ишининг бошланиши ўртасидаги дам олиш вақти ўн икки соатдан кам бўлмаслиги керак.

Эътиборсизлик — иллат

Воқеа соғлиқни сақлаш муассасаларининг масъул ходимлари ўртасида муҳокама этилди. Шифохона мутасаддилари — воқеа айбдорлари тегишли жазо олишди. Аммо, ҳаётни ортга қайтариб бўлмайди. Хуршид Ражабов муайян муддатга озодликдан, икки йил мобайнида барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Аммо бир навниҳол қиз бевақт хазон бўлди.

Бу воқеадан ҳамма шифохона раҳбарларию, бошқа мутасаддилар, ўзига ишониб топширилган транспорт воситасини бошқараётган йўл ҳаракати иштирокчилари, бинобарин, биз ҳаммамиз огоҳ бўлишимиз зарур.

Оддий эътиборсизлик одатга айланса, фожиа юз бериши муқаррар. Эрта сўнган умр чироғини қайта ёқиб бўлмайди.

Шаҳриддин ЭШИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судининг раиси

ҚУЙИДА БАЁН этмоқчи бўлган жиноят ишининг кўриб чиқилиши суд учун мураккаблик туғдирмади. "Иш" ўта оғир жиноятлар туркумига кирса-да, судланувчи аниқ ва ўз айбига иқрорлик билдириб турибди, тарбиячи-ю гувоҳларнинг кўрсатувлари уйғун, далилий ашё нақд, дастлабки тергов жараёнида процессуал қонун нормалари бузилмаган, энг муҳими, жиноятни малакалаш борасида ҳам мунозарага ўрин йўқ. Демак, ишни белгиланган тартибда кўриб чиқиб, қонуний ҳукм чиқарилса кифоя.

● *Дарз*

Тарбиячи Тарбияланган бўлмоғи зарур

ёхуд бир жиноят атрофидаги мулоҳазалар

ШУНДОҚ БЎЛДИ — ҳукм чиқарилди, айни пайтда қонуний кучга кирди ҳам. Бироқ, ушбу жиноят, унинг содир этилишига олиб келган ҳолатлар, суд мажлисида сўроқ қилинган айрим гувоҳларнинг кўрсатмалари-ю дунёқараши ҳамон ўйга толдиради кишини...

... Шуҳрат Рўзматов таълим соҳасида чорак асрлик тажрибага эга. Шу боисдан бўлса керак, 2005 йилнинг бошларида Бўка тумани халқ таълими бўлими мудирлигига лойиқ кўрилди. Бу пайтда эса Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасига Ю.Шарипов бошлиқ этиб тайинланган эди. Туман тизими раҳбарини танлаш ва тайинлашда бевосита вилоят тизими раҳбари масъул экани маълум. Ш.Рўзматовнинг бу лавозимдаги фаолияти уч йилга ҳам етмади: 2008 йил 10 январь куни хизмат хонасида пора тариқасида 200 АҚШ доллари олганда қўлга тушди. У ёғи маълум: тергов, суд, жазони ўташ муассасаси...

Воқеа ривожи қуйидагича бўлган: 2008 йил 4 январь куни Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтади. Ушбу йиғилишда Бўка туманидаги 2-сонли ўрта мактабда юзага келган аҳвол жиддий танқидга учрайди. Бошқарма бошлиғи шу ернинг ўзидаёқ мактаб директори Ш.Орипована оғзаки "ишдан бўшатиб", йиғилиш тугамасдан унга "чиқиш эшиклари"ни кўрсатиб қўяди. Ш.Орипова ҳовлига етиб улгурмай бошқарма ходимаси Ф.Жўраева чиқиб, бошқарма бошлиғи номига "ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаш" тўғрисида ариза ёзиб кетишини сўрайди. Буни бошлиқнинг топшириғи деб билган Ш.Орипова ариза ёзади.

Кенгайтирилган йиғилишда оғзаки равишда ишдан бўшатилиб, намойишкорона ҳайдалган Ш.Орипова масаласига бошқарма бошлиғи томонидан ўша куни ёхуд эртасига қонуний нуқта қўйилганда, эҳтимол, вазият кейинчалик жиддийлашиб кетмасмиди? Бироқ, орадан бир ҳафта ўтса ҳамки, масала очиқ тураверди: на "жиддий камчиликларга йўл қўйгани учун" деб, на "ўз хоҳишига кўра" деган мазмунда буйруқ чиқди. Мактаб директорини ишга тайинлаш ва бўшатиш вилоят бошқармасининг ваколатига киради.

Бу борада, Бўка тумани халқ таълими бўлими мудири Ш.Рўзматов "бошқарма бошлиғи билан гаплашиб кўриши"ни айтиб, бунинг ўзига яраша "хизмати" борлигига шаъма қилади. Эртасига айтадики, "хизмат ҳақи" 200 АҚШ доллари экан!

Пул қидириб, тўрт томонга чопган Ш.Орипова охир-оқибат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этади. Ва 2008 йил 10 январь куни Ш.Рўзматов "қўлга тушади".

Алқисса, вақтида чиқарилмаган буйруқ ушбу жиноят содир этилишига сабаб бўлди, дейиш мумкин. Тўғри, суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган бошқарма бошлиғи Ю.Шарипов "Ш.Орипованинг аризасини қонуний ҳал қилиш учун топширганини, бошқарманинг кадрлар бўлими бош мутахассиси Г.Зияева эса "Ш.Орипованинг аризасига туман халқ таълими бўлими мудири "розиман" ёки "қарши эмасман" деган мазмунда имзо чекмагани" боис буйруқ чиқарилмаганини айтди"...

Дарҳақиқат, шундай. Бироқ, орадан ўтган кунлар Ш.Орипова ишда қолишга умид уйғотган бўлса, Ш.Рўзматовда шу баҳонада уч-тўрт сўм "ишлаб" қолишга имконият туғдиргандек эди, гўё...

Суд мажлисида юзага қалқиб чиққан яна бир ҳолат ҳам эътиборни тортади: Ш.Орипова "ишда қолиш учун" 200 АҚШ доллари қидириб юрган кунлари бу ҳақда Бўка тумани халқ таълими бўлими ташхис маркази раҳбари Э.Эргашевга маслаҳат солади. Э.Эргашев "... мактаб ўқитувчиларига беш мингданми, ўн мингданми, қанча тўғри келса сочворинг. Дод дейдигани ишламасин. Ҳозир замон шунақа, кўряпсиз-ку...", деб маслаҳат беради. Аянчли жиҳати шуки, айни шу мазмундаги кўрсатмани Э.Эргашев судда ҳам худди одатий ҳолдек қайтариб турибди! Бу ҳолат айрим ўқитувчи-мураббий ходимларнинг порахўрлик жиноятларини содир этишга мойиллиги ёки лоқайдлигини билдирмайдими?! Шунингдек, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси раҳбарияти томонидан тизимда фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-мураббий ва ходимлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий, маънавий тарғибот ишлари етарли даражада олиб борилмаётганини кўрсатмайдимми?..

...Суд Бўка тумани халқ таълими бўлими мудири Ш.Рўзматовни Жиноят кодексининг 210-моддаси, 3-қисми, "б" банди билан айбдор деб топди. Унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 8 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади. Бундан ташқари, ушбу жиноят содир этилишига олиб келган сабаб ва шароитларни инобатга олиб, хусусий ажрим чиқаришни лозим, деб билди...

Албатта, бир шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши — бундай қилмишлар қайта содир этилмайди, дейишга кафолат бермайди. Ёхуд хусусий ажрим муҳокамасидан кейин дарҳол ўқитувчи-мураббийларнинг дунёқараши кенгайиб, ҳуқуқий онги шакллaниб қолмаслигини тугал тушуниб турибмиз. Илинж, умид шуки, ҳуқуқий-тарбиявий, маънавий тарғибот ишлари соҳа ходимлари учун мавсумий иш даражасида қолиб кетмаса, бу борада белгиланган чора-тадбирлар қоғозда эмас, аввало, юракка муҳрланса...

Зеро, тарбиячи, аввало, ўзи тарбияланган бўлмоғи зарур.

Исматулла МАМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяси

Гулнора ҲАМРОЕВА

ЯШАШИМ КЕРАК...

Қиссадан парча

(Боши ўтган сонларда)

Унинг ялтоқланиб хушомад қилиши Санталатга ёқиб тушди шекилли, яна оғзини ярақлатиб илжайди. Сўнг сумкачасидан қўл телефонини олиб деди:

– Бўлмаса мен Манзурага айтиб қўяй, сал кечикиб боришимни. Тағин у ёқ, бу ёққа чиқиб кетмасин, — у шундай деб юзига ишбилармон кимсанинг жиддий қиёфасини бериб, телефон рақамларини теришга тушди.

Ичкарига киришар экан, Санталат уй-жойига, ҳовлига, чорбоғ тўрига менсимайгина бир-бир назар ташлаб чиқди. Унинг нигоҳларидаги кибр-ҳавони илғаган Нодиранинг миясига қон урилиб, яна лаблари билинар-билинмас пирпирай бошлади. Аммо, буни сездирмасликка ҳаракат қилди.

У Санталатни меҳмонхонага бошлади. Стол атрофидан жой олишиб, яна қайтадан ҳол-аҳвол сўрашишди. Бир оз вақт ўтгач, аста-секин ҳангома қизий бошлади.

— Хўш, дугонажон, ўша кетганча кўринмадингиз. Қаерлардан сўраймиз сизни?

— Хабарингиз бор, бу ерда ҳеч ишим юришмади. Анови шўртумшуқ эрим билан ўн йил бирга яшаб, косам оқаргани йўқ. Охири шартта ажрашдим-да, болаларимни олиб Тошкентга кўчиб кетдим. Бахтимга бир акахон учраб қолганди. Аниқроғи, у билан илгаридан таниш эдим. Ўшанинг ёрдами билан ўзимни савдога урдим. Бошланишида майдароқ ишлар билан шуғулландим. Кейинчалик четга қатнашга ўтдим. Ҳозир ишим зўр. Бир ёғи Дубай, бир ёғи Истанбул, яна бир ёғи Деҳлидан мол олиб келаман. Ҳар замонда Малайзиягаям бориб тураман. Ҳам тижорат, ҳам зиёрат деганларидек, дунёнинг ярмини айланиб чиқдим. Ҳамма жойда таниш-билишларим бор. Тошкентга кўчиб борганимда икки хонали хонадонда яшардим. Уни беш хоналисига алмаштирдим. Ўтган йили ҳовли сотиб олдим. Яқинда қизимга "BMW" олиб бердим.

Бу гапларни эшитиб Нодиранинг пастки лаби ўз-ўзидан осилиб кета бошлади. Бир пайт Санталатнинг кўзи эшик ёнидаги стулда турган сумкага тушди.

— Ҳой, Нодирахон, бирор ерга кетаётгандингизми, дейман. Сизни йўлдан қолдириб ўтирган бўлмай, тағин.

— Ҳа, — деди Нодира сал тутилиб. — Шу... ҳалиги... келиним туғуруқхонадайди. Бугун жавоб беришар экан. Шунга...

— Йўғе... Неварали бўлибсиз-да, дугона.

— Ҳа... йўқ, ҳалиги... бола нобуд бўлди. Жуда нимжон туғилганди. Охири бўлмади.

— Вой, — деди Санталат лабини буриб. — Келинингиз соғломми ишқилиб? Келин қилаётганингизда палаги тозасини суриштирмабсиз-да.

— Ҳа, ўзимнинг...

— Сиз келин деганига паст кетиб, бўш келаверманг, — дея шартта унинг гапини бўлди Санталат. — Ёш нарса, ўзи дингиллаб келаверади. Келин деганни мана бундай "ушлаш" керак, — гапида давом этди у муштумини сиқимлаб. – Бўлмаса елкангизга миниб олиб, бошингизда ёнғоқ "чақади". Мана, менинг олдинги келиним. Қаёқданам ўғлим ёқтириб қолиб, қўярда-қўймай шунга уйланаман, деб туриб олганди. Тагини кўп суриштирдим, денг. Олиб келган сепи бир пулга қиммат. Нуқул ўзимизда ишлаб чиқарилган мебелни уялмасдан сеп қилган. Отаси коллежда ўқитувчимиш. Юришини кўрсангиз, бўйнида галстук, савлатидан от ҳуркади. Лекин киссасида ҳемири йўқ. Ўзи алам қилиб юрганди, қарасам келинпошша менинг йўриғимга юриш ўрнига, ақл ўргатмоқчи бўлаяпти.

Хуллас, у қилдим, бу қилдим, қилдан қийиқ чиқариб уни қўйдиртирвордим. Ана ундан кейин ўзим суриштириб бир оилани топдим, денг. Уйи нақ қаср. Бир эмас, икки эмас, учта "Мерседеси" бор. Чарларида ўғлимга "Нексия"нинг калитини тутқазиб юборди.

– Вой-бўй, — деди Нодира пиёладаги чойни унга узатар экан.

— Бе, нималар деяпсиз, битта "спалний комплект"ининг ўзи нақд беш ярим миллион туради. Менам бўш келганим йўқ, қуда чақирдида эркак қудага бир миллионлик, аёл қудага бир ярим миллионлик бош-оёқ сарпо қилдим. Ўзиям қуда чақирдига келганларнинг оғзи очилиб қолди. Ичида кўролмасдан қуйиб ёнганлари қанча. Хўп, дугонажон, энди бизга рухсат. Манзура билан гаплашадиган анча муҳим ишларим бор.

– Вой, айланиб кетай Салтанатхон. Ҳозир бир пасда ош дамлайман. Озиб-ёзиб бир келиб қолибсиз, бундай суҳбатингизга тўяйин. Сиз энди дунё кўрган тадбиркор аёлсиз. Сизни ҳар қанча эшитсам ҳам мен учун кам.

Бу гап Салтанатга мойдек ёқиб тушди шекилли, яна оғзининг таноби қочиб илжайди.

— Ҳой, Нодирахон, сизди шу ақлирасолигингизга беш кетаман-да. Нима қилгандаям ўзимнинг эски қадрдон дугонамсиз. Насиб қилса ҳали сизникига кўп келаман. Сизам сал дадилроқ бўлинг. Кўнглингизга келмасин-у, шу эрингиз менга ҳеч ёқмайди. Одамди ўзича менсимайдими-ей. Ўзи топиш-тутиши қандай? Ҳалиям ўша аҳвол бўлса керак-да.

— Нимасини айтасиз, — деди Нодира унинг мақтов гапларидан эриб кетиб ва эрини ёмонлашга тушиб кетди.

— Ҳай майли, пешонангизга шунақасидан ёзилган экан, начора. Мана менинг эрим оғилга боғлаб қўйилган бузоқнинг худди ўзи. Шўрлик, мен ташлаб кетгандан кейин ўзига ўхшаган биттасини топиб олибди. Ҳалиям ўша икки хонали хонадонда яшаб юрганмиш, бири икки бўлмай. Туриб-туриб ўйлайман, ўшанда шуни ташлаб кетиб хўп қилибман, ажаб қилибман. Ҳей, пулингиз кўп бўлса ёшариб ҳам кетар экансиз, — деди у кўзини қисиб сирли илжаяр экан. — Керак бўлса ўттиз ёшли жазманим бор.

— Йўғ-е, — деди Нодира — Ҳалиям ўша шўхликларингиз қолмабди-да, дугонажон.

— Нима қилибди, керак бўлса йигирма беш ёшли жувондан ортиқ ҳусни жамолим бор, — деди у хандон отиб кулар экан.

Нодира ҳам унга қўшилишиб кулди, аммо ичидаги ҳасад алангаси бўғзини қуритиб, кулгуси бўғилиб қолди. Шу пайт Санталатнинг қўл телефони жиринглади.

— Алло, ҳа, Манзура. Яхши, ҳозир етиб бораман. Ҳа, шу десангиз Нодирахон билан бир пас чақчақлашиб қолдик. Ҳа, эски қадрдон дугонам. Хўп, ҳозир бораяпман, — телефонини ўчириб, сумкачасига солди-да, Нодирага юзланди.

Энди турай. Ҳали кечгача Тошкентга етиб боришим керак. Кечаси соат тўртда Деҳлига учаман. Катта партия мол гаплашганман.

— Хўп, дугонажон, узр, кўнгилдагидек кутолмадим.

— Йўғ-е, нималар деяпсиз, хўп, яхши қолинг.

***

Нодиранинг нотавон юрагига дугонаси экиб кетган "сассиқалаф"нинг уруғи орадан кўп ўтмай униб чиқиб, ўзининг қўланса ҳиди билан унинг миясини заҳарлай бошлади. Бу қабоҳатнинг қурбони шўрлик Ҳалима бўлганди, албатта. У ўтирса ҳам, турса ҳам, бирор иш қилса ҳам ёки қилмаса ҳам қайнонасининг заҳарханда пичинг гапини эшитар, бирор нима деб эътироз билдирса, оғзидан чиққан гапни ёқасига ёпиштирар эди. Фақат Салимжон ака уйда бўлсагина Ҳалиманинг кўнгли таскин топарди. Қайнотаси нима бўлгандаям унинг ёнини олар, хотинининг овозини ўчириб турарди...

ЧАҚМОҚТОШ

АРАСТУ (АРИСТОТЕЛЬ)

(Милоддан аввалги 384-322 йиллар)
Қадимги юнон файласуфи



Табиийлик ва инсон... Агар биз ёғоч курсини ерга кўмиб, унинг ўсиб чиқиши учун йўл тополганимизда ҳам ундан бари-бир янги курсилар эмас, балки дарахтлар ўсиб чиқаверади.

***

Шон-шуҳратга интилишда ҳам, ундан қочишда ҳам меъёрни сақлай билинг.

***

Ҳурматли одамнинг қандайлигига одатда унинг ишига қараб баҳо берилади. Бусиз унинг мақсадини билиб бўлмайди. Агар инсоннинг виждонини ва гўзаликка интилишларини бевосита кўриш мумкин бўлганда, бу одам бажараётган ишисиз ҳам олижаноб зот саналаверарди.

***

Худбинлик ўзини-ўзи севиш билан эмас, бу севгининг меъёрдан ортиб кетиши билан белгиланади.

***

Шуҳратпарастлар бу сифатдан холи бўлган одамларга нисбатан ҳасадгўйроқдирлар.

***

Истакларини енга олганлар букилмас инсонлардир. Ўзини мағлуб эта олганлар жасур ва мардонадирлар.

***

Эзгулик қилишдан чўчийдиганларни ахлоқий гўзал одамлар тоифасига қўшиб бўлмайди. Ҳамма яхши нарсаларни яхши деб билган, бойлик ва амал ҳам буза олмайдиган одамлар энг олижаноб инсонлардир.

***

Ошна-оғайнилари мўл одамнинг дўсти бўлмайди.

***

Ҳар бир ишнинг бошланиши шу ишнинг деярли ярми бажарилгани билан баробардир.

***

Жиддийлик кулги билан, кулги эса жиддийлик билан енгилади.

Саида ЖЎРАЕВА тайёрлади

● *Эҳтиром*

Эзгулик ёғдуси

ҲАР БИР ИНСОН ўз касбини қадрлаб сидқидилдан меҳнат қилса, албатта, элда эъзоз топади. Ёшлар эса унинг ибратли ҳаёт йўлидан ўрнак олишга интиладилар. Амрулло Раҳмонов ҳам ана шундай тажрибали устозлардан бири.



У БУХОРО вилоятининг Қоракўл туманида таваллуд топган. 1973 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлагач, Қоракўл тумани судининг суд мажлиси котиби бўлиб илк фаолият бошлаган эди. Кейинчалик Қоракўл тумани давлат нотариал идорасида нотариус, Жондор тумани судининг раиси, Бухоро вилояти судининг раиси ўринбосари, 1985-1992 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси ва бошқа масъулиятли лавозимларда самарали ишлади. Тажрибали ҳуқуқшунос айни пайтда Тошкент туманида давлат нотариал идорасининг нотариуси бўлиб меҳнат қилмоқда.

Ўз соҳасининг билимдони Амрулло Раҳмонов етук мутахассис сифатида кўплаб шогирдларининг камол топишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. Ҳаёт мазмуни эзгуликка йўғрилган Амрулло ака умр йўлдоши билан беш нафар фарзандни ўқимишли, меҳнатсевар қилиб вояга етказишди. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида шижоат билан меҳнат қилишмоқда.

— Биз устоздан ҳалол-покликни, камтарликни ўргандик, — дейишади Амрулло аканинг шогирдлари. — У доим бизга "Адл тарозисини қўлингда шундай тутгинки, инсон тақдирини ҳал қилаётган паллада сира адашмагин", деб уқтиради.

Амрулло Раҳмонов маърифатли, дилкаш инсон. У адабиётни, шеъриятни ғоят севади. Бундай маънавиятли инсонлар ҳамиша одамларга яхшилик қилишни истайди.

Шу кунларда қутлуғ 60 ёшни қарши олаётган Амрулло акани кўпчилик шогирдлари, яқин дўстлари ва жамоамиз ҳамкасблари номидан қутлаб, унга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, меҳнат фаолиятида ютуқлар тилаб қоламиз.

● *Жиноятга жазо муқаррар*

ЗУЛУК

ёхуд "героин" ва "опий" операциялари билан шуғулланган қайноға-куёв қилмишлари хусусида

ГОҲИДА ОДАМДА ғалати ҳиссиётлар бўлади. Буни дабдурустдан ўзинг ҳам тушунмай, довдираб қоласан. Дейлик, бир-бирига умуман алоқасиздек туюлган воқеаларнинг аслида илдизи бир бўлиб чиқади. Мана, бугун муҳаррир кейинги сон учун мақола тайёрлашни буюрди. Унинг хонасидан чиқяпману хаёлимда эски бир танишимнинг ҳасратли ҳикояси жонланади.

— Э, УКА, — дейди оға, — олис воҳанинг чекка қишлоғида туғилдим. Урушдан кейинги йиллар эди. Замон оғир, етишмовчилик. Отам урушда ўлиб кетган. Жўжа бирдек беш жон онамнинг қарамоғидамиз. Онам тегирмонда ишлайди. Эркак зўрға эплайдиган юмушларни бажаради шўрлик. Кўриб жигарларим эзилиб кетарди. Шу азобда улғайдик, кейин ўқиймиз, одам бўламиз, деб Тошкентга келдик. Бу ерда кўрган азобларимиз ҳам кам бўлмади. Кундуз заводда ишлаймиз, кечаси ўқиймиз. Қишлоқдан умид йўқ. Тўғриси, талабалик йилларида қилмаган ишим қолмаган. Сувоқчилик, бўёқчилик, ҳаммоллик... Э, ҳаммасини қилганмиз. Худога шукур қиламан. Кўрган азобларимнинг мукофотини берди. Ўқишни битириб уйландим. Ўз соҳам бўйича ишга жойлашдим. Уйли-жойли бўлдим. Худойим ёлғиз бўлса-да, бир ўғил берди. Буёғи мансаб пиллапоялари, шон-шуҳрат, ўзинг кўриб турган мана бу данғилламаримат... Лекин ука, қариб энди оёқни чўзиб, тин оламан, деганимда бир балои азим гирибонимдан олди. Бундан на қочиб қутуласан, на яхши гапириб. Куйдиргидай куйдириб, зулукдек қонимни сўриб, мени адойи тамом қилди.

Мен масалани тушунмагандек оғага толмовсираб қарайман. Оға ҳашаматли иморат ертўласининг нақшиндор панжара билан тўсилган ойнаси томон қош учиради.

— Ўғил куйдирди, ука, ёлғизгина ўғил... — дейди кейин ҳазин овозда. — Биз онаси иккаламиз буни катта йигит бўлди, энди ўз йўлини ўзи танласин, деб эркин қўйиб нотўғри қилган эканмиз. Бола бангиларнинг тузоғига илиниб қолганини кеч билдик. Мана, ҳозир ертўлада итни боққандек сақлаяпман. Керак пайтида дўхтирдан олган махсус дори бор, ўшани бераман. Бўлмаса, ўлиб қолади.

Оға кўзига ёш олади. Елкаси силкинади. Чўнтагидан дастрўмол олиб пешонаси аралаш юз-кўзини артади.

— Э, ука, буям бир кўргулик. Ўзингнинг болангни қафасга солиб ўтирсанг. Кўзлари жовдирайди. "Ота анавиндан беринг, ота, оёғингизни ўпай, жон ота", деб йиғлаб-сиқтайди. Буларни кўриб ўтириш менга осонми? Икки марта уйлантирдим. Уйланса босилар, деб ўйладим, бўлмади. Иккала келин ҳам кетиб қолди. Бу кўргуликларни кўтара олмай онаси шўрлик ҳам ўлиб кетди.

Энди ёлғиз ўзим шундай кенг ҳовлида занжирланган бола билан гўрда ётгандай ётибман.

***

МУРОТҚУЛ ЎША КЕЧА тўлғониб чиқди. Нимадир қилиш керак. ахир, олти бола, хотин бу ёқда, ҳовли-жой ташвиши ҳам бир рўзғор. Лекин нима қилади. Меҳнатга бўйин дов бермайди. Бировдан каттароқ қарз олай деса, уни ҳам қайтариш керак. Бугун олсанг эртага эшигинг тагида "кўкариб қонингни ичиб" туради. Рўзғорни эса боқиш керак. Қарамасанг, эл-улус кўзига балодай кўринасан. Таъна-дашном тагида қоласан. У шу хаёллар билан тонг отишини кутди. Шафақ ёришгач, Ургутдаги деҳқон бозорига қараб йўлга тушди. Бозорга келиб кўрдики, бу ерда бир ишнинг бошини тутиб, чой-чақа топишнинг ўзи бир маҳол. Аслида Муротқулнинг бир эмас, икки оилани боқадиган томорқаси бор. Лекин ердан фойда кўриш учун меҳнат қилиш керак. Меҳнат эса Муротқулга ёқмайди. Айнан мана шу важ уни Ургутда улоқиб юришга бошлаган эди. Ўша куни у иши юришмаганидан руҳсизланиб, бозор атрофидаги чойхоналардан бирига кириб сўрига ёнбошлади. Чойхоначига аччиқ кўк чой буюриб, шу ерда масалани жиддийроқ ўйламоқчи бўлди. Омадини қарангки, худди ўша куни унинг тожикистонлик таниши Иззатилло ҳам бозорга тушган экан. Чойхонада кўришиб қолган эски танишлар бир зумда апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Ўртага ноз-неъмату паловхонтўра, ичимлик тортилди. Калла "жойига тушгач", ҳолаҳвол, рўзғор, бола-чақа ташвиши жиддийроқ сўралди. Шунда Муротқул ишининг тайини йўқлигини, рўзғор ўлда-жўлдалигини айтиб, дийдиё қилди. Бу Иззатиллога айни муддао бўлди. Чунки у Ўзбекистонга айнан Муротқулга ўхшаган одамларни қидириб топиш ва келажакда шерикчилик қилиш учун келган эди. Иззатилло ўша куни Муротқулга мақсадини аниқ айтди.

— Бу иш қалтис ошна. Лекин битта операцияда бўладиганинг бўлади. Қўрқсанг қилма. Бошқа одам топаман.

— Э, дўстим, мен сенга йўқ деганим йўқ-ку, — оғзининг таноби қочди Муротқулнинг. — Хўш, мен нима қилишим керак бўлади?

— Агар хоҳласанг, мен бугун пешиндан кейин сенга маҳсулотдан олиб келиб бераман. Сен эса харидор топиб сотасан. Қанча катта партияга "клиент" топсанг ишимиз шунчалик мойли бўлади.

БУ ИККИ ДЎСТ ўртасидаги суҳбат шу йил 25 март куни бўлиб ўтади. Ўртадаги келишувдан кейин Муротқул ўз уйи — Ургут тумани "Облоқул Узоқов" ширкат хўжалигига қарашли Қоратепа қишлоғига, Иззатилло эса Ургут туманига чегарадош Тожикистон Республикаси ҳудудига ўтиб кетади. 26 март куни икки ошна келишганларидек, яна ўша Ургут деҳқон бозори атрофида учрашишади.

— Мана, бир амаллаб чегарадан олиб ўтдим, — дейди Иззатилло ён-атрофга аланглаб — 50 гр. "героин" ва 100 гр. "опий" бундан харидорларингга "проба" учун озгина-озгина берасан, маъқул бўлса "героин"нинг килоси 20.000 АҚШ доллари, "опий"ники эса 3000 АҚШ доллари. Бошқа гапларни кейин гаплашамиз, — дея эртага кеч маҳал яна шу ерда учрашишни тайинлаб, ортига қайтади.

Муротқулда энди пул топиш имконияти бор, фақат харидор топса бўлгани. У шу ўй билан Самарқанд шаҳрида яшовчи қайноғаси Раҳимбой Нуруллаев ҳузурига ошиқади. Муротқул ўша куни шаҳар кўчаларини айланиб юриб эски таниши Зуҳра Ҳошимовани учратиб қолади. Бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланувчи бу аёл Муротқулга ишининг юришмаётганлиги ҳақида нолигач, Муротқул унга пинҳона режаси, яъни ёнида олиб юрган наркотик моддаларни сотишга ёрдамлашишни таклиф қилади. Агар бунга рози бўлса, эртага кеч 17.00 да Самарқанд — Қарши йўли ёнидаги нон маҳсулотлари бозорида учрашишларини айтиб хайрлашади.

ЎША КУНИ Муротқул Зуҳра Ҳошимова билан хайрлашгач, Самарқанд шаҳрида яшовчи қайноғаси Раҳимбой Нуриллаевнинг олдига боради. Куёв қайноғага ёнидаги иккита "целлофан пакет"га ўралган наркотик моддаларни кўрсатиб, бу молларни тожикистонлик таниши Иззатиллодан олганлигини, каттароқ харидор топилса Иззатилло яна олиб келиб беришини тушунтиради. Бу жиноий таклиф Раҳимбой Нуруллаевга ҳам маъқул тушади. Хуллас, Муротқул Ҳамроев ва Раҳимбой Нуруллаевлар шу йил 27 март куни соат тахминан 17.00 ларда Самарқанд — Қарши йўли ёнидаги нон бозорига келади ва Зуҳра Ҳошимова ҳамда унга шерик бўлиб келган Людмила Абдураҳимова билан учрашишади.

Учрашув вақтида Муротқул Раҳимбойга молни олиб келишни буюради. "Мол" олиб келингач, Муротқул улардан намуна сифатида аёлларга беради. Нархлар келишилади. Бир-бирларига телефон рақамларини бериб хайрлашишади. Раҳимбой қўлидаги икки пакетчани даланинг ўртароғига кўмиб қўяди. Овлари бароридан келаётган қайноға-куёв ишнинг бу даражада силлиқ кетаётганидан эсанкираб, шаҳардаги қаҳвахоналардан бирида анча отамлашишади. Иккаласининг ҳам кўз олдида минглаб АҚШ долларлари, миллионлаб пуллар... Лекин бу орзулар Муротқулга чўғсизроқ кўринадими, ўтирган жойида Иззатиллога телефон қилиб, эртага пешингача яна 2 килограмм "опий" олиб келишини, бу томонда харидор нақдлигини тайинлайди.

ШУ КЕЧА, яъни, 27 март куни Муротқул яна Ургутга йўл олади. Чунки у 28 март куни эрталаб Иззатилло билан кўришиши керак эди. Шундай ҳам қилади. 28 март куни эрталаб Иззатилло билан Ургут деҳқон бозори атрофида учрашиб, олиб келган 2 килограмм "опий" наркотик моддасини ундан олади ва Зуҳра Ҳошимовага телефон қилиб, яна 2 килограмм "опий" қўшилганини баён қилади. Муротқул Зуҳра Ҳошимова билан телефонлашган чоғида олди-бердини 28 мартдан 29 мартга ўтар кечаси амалга оширишни келишиб олади.

Иззатиллодан "опий"ни олган Муротқул ўша куни кечга яқин яна Самарқандда пайдо бўлади. Раҳимбой билан учрашган Муротқул "мол"ни 8000 АҚШ долларига пуллашларини шундан 6000 мингини Иззатиллога беришини, қолган 2000 АҚШ доллари эса иккаласига қолишини билдиради.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, қайноға-куёв 28 мартдан 29 мартга ўтар кечаси соат 1-2 лар орасида келишилган жой — Самарқанд — Қарши йўли ёқасидаги нон бозорига келади. Учрашув вақти яқинлашгач, Муротқул Раҳимбойга кўмиб қўйилган 50 грамм "героин"ва 100 грамм "опий"ни олиб келишни тайинлайди. У олиб келгач, ўзининг қўлидаги 2 килограмм "опий" солинган пакетга жойлаб Зуҳра Ҳошимова ва Людмилла Абдураҳимоваларни кута бошлайди. Бироқ, яхшиямки, бу савдо охирига етмайди. Воқеа жойига етиб келган Ўзбекистон Республикаси МХХ Тошкент шаҳар бошқармаси тезкор ходимлари жиноий қилмишига нуқта қўядилар.

Жиноятчилар 2 килограмму 100 грамм оғирликдаги "опий" ва 50 грамм "героин" гиёҳвандлик воситасини 8000 АҚШ долларига сотаётганларида қўлга олинадилар.

***

МАҚОЛАГА СЎНГГИ нуқтани қўйиб улгурмай, телефон жиринглайди. Кўтарсам, нашриётдаги укалардан бири, "Ака, оға ўғлини бериб қўйибди, эртага пешинга чиқазаркан". Бирдан юрагим музлаб кетди. Кўзлари жиққа ёшга тўлган оғанинг ғамгин қиёфаси кўз олдимда жонланди.

Барибир бўлмабди-да, оға шўрликнинг уйи куйибди-да, аттанг, деган оғир фикр ўтди хаёлимдан. Ҳозир ёзиб тугатганим — Муротқул Ҳамроев ва Раҳимбой Нуруллаевларнинг қилмишлари кўз олдимга келди. Ахир, шундайлар эмасми, бутун бир оилаларнинг завол топишига, норасида гўдакларнинг майиб-мажруҳ бўлиб қолишига, ёш умрларнинг хазон бўлишига сабабчи бўлаётганлар. Шундайлар эмасми, ўзларининг арзимаган ҳою-ҳаваслари деб одамларнинг орзу-армонини, умидларини, хотиржамлигу томирларида оқаётган покиза қонини сўраётган зулуклар...

Шу йилнинг 18 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Миробод тумани суди мазкур жиноий тўда аъзолари устидан ўз ҳукмини ўқиди. Унга кўра, ҳар икки жиноятчига ўн тўрт йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ўрол СОДИҚ

Манба: Region.uz

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси қуйидаги иншоотларни мукаммал таъмирлаш учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот 1-1. Қизириқ туманидаги ФҲДЁ бўлими биносини мукаммал таъмирлаш. Иншоотнинг қурилиш муддати — 90 кун.

Лот 1-2. Музработ туманидаги ФҲДЁ бўлими биносини мукаммал таъмирлаш. Иншоотнинг қурилиш муддати — 120 кун.

Лот 1-3. Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси биносини мукаммал таъмирлаш. Иншоотнинг қурилиш муддати — 60 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси. Манзил: Термиз шаҳри, А.Икромов кўчаси, 40-уй, Тел/ф. (8-376) 223-38-97, 223-23-18.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқароликмуомала, ҳуқуқ лаёқати ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Сурхондарё вилояти адлия бошқармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри, А.Икромов кўчаси, 40-уй, Тел/ф. (8-376) 223-38-97, 223-23-18.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60.000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиши куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши, улар матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда — Термиз шаҳри, А.Икромов кўчаси, 40-уйда ўтказилади.

ЭЪЛОН!

Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

1. "Хорижий тиллар" кафедраси:
Доцент — 1;
Катта ўқитувчи — 1.
2. "Давлат ва ҳуқуқ назарияси" кафедраси:
Доцент — 1;
Катта ўқитувчи — 1.
3. "Ижтимоий гуманитар фанлар" кафедраси:
Катта ўқитувчи — 1.;
4. "Ҳуқуқий информатика ва информацион технологиялар" кафедраси:
Доцент — 1.
5. "Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар" кафедраси:
Кафедра мудири — 1.
6. "Жиноят ҳуқуқи ва криминология" кафедраси:
Доцент — 1.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари;
4. Илмий ишлар рўйхати.

Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона. Телефон: 236-09-39, 233-66-36.

ЭЪЛОН!

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги 1-сонли Элликқалъа тумани давлат нотариал идораси давлат нотариуси лавозимига;

Тошкент вилояти адлия бошқармаси вилоятнинг Зангиота тумани 1-сонли давлат нотариал идора нотариуси лавозимига;

Андижон вилояти адлия бошқармаси Шаҳрихон туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимига;

Наманган вилояти адлия бошқармаси Наманган шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли вилоят адлия бошқармаларига, Тошкент вилояти адлия бошқармасига эса 11 ноябргача мурожаат этишлари лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги телефонлари: 223-15-82, 223-81-27
Тошкент вилояти адлия бошқармаси телефонлари: 253-84-30, 280-51-03;
Андижон вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8374) 222-30-89, 224-24-92;
Наманган вилояти адлия бошқармаси телефони: (8369) 226-26-73

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2005 йил 2 октябрда Тошкент вилояти Бўстонлиқ таманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Каромат Маҳкамовна Марахимова номига берилган 094-рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Наманган вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича малака комиссияси 2008 йил 10 октябрдаги йиғилиш қарорига асосан Наманган шаҳар 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси Қосимов Малик Қаҳхоровични нотариал ҳаракатларни амалга ошириш фаолияти тўхтатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги нотариат бўйича «Малака» комиссиясининг 2008 йил 14 октябрь кунги 12 сонли-қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Утепбергенов Сейпатдин Абылавич номига 2003 йил 26 ноябрь куни берилган КР 000180-рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси тугатилди, шунингдек, «Малака» комиссиясининг 2008 йил 14 октябрь кунги 13-сонли қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Аннақулов Кожамберген Ембергенович номига 1997 йил 29 август куни берилган КР 000248-рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 6 ой муддатга тўхтатилди.

Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан 1997 йил 1 августда берилган NV 000011-рақамли Зарафшон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Каримов Нурлан Салиевичга тегишли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилганлиги, шунингдек, бошқарма томонидан 2000 йил 24 ноябрда берилган NV 000034-рақамли Навоий шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси давлат нотариуси М.Фазиловага тегишли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши номуайян муддатга тўхтатилганлиги маълум қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири Даулетбай Ережепович Халмуратовга укаси **Дамир ЕРЕЖЕПОВ**нинг вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Тошкент шаҳар 2-сонли "Шодлик" никоҳ уйининг 1-тоифали инспектори Инамова Ибохон Инамовнага падари бузруквори **Ином ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Навоий вилояти адлия бошқармаси жамоаси Конимех тумани ФҲДЁ бўлими инспектори Жанар Сидировага падари бузруквори **Умирбек СИДИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Андижон вилояти адлия бошқармаси жамоаси Бўз туман давлат нотариал идораси нотариуси Мўйдинов Муқимжонга онаси **Кимёхон ТУРДИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г-1015. Тиражи — 11153. t — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50.
2 3 4 5 6 7 8